

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВИ КАФЕДРАСИ**

Тасдиқлайман

доц. А.У.Астанов
Иқтисодиёт ва бошқарув
факультети декани в.б.
«_____» «_____» 2011 й

5340100 –Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ
Мавзу: «Фермер хўжалиги экин майдонлари
оптимал таркибини аниқлаш ва унинг иқтисодий
самарадорлиги» (Пайариқ тумани фермер
хўжаликлари мисолида)

Бажарувчи: Иқтисодиёт ва
бошқарув факультети
401 гуруҳ талабаси:
Илмий раҳбар, и.ф.н., доцент:
Илмий маслаҳатчи, и.ф.н., доцент:

Махкамов Рустам

Усмонов Р.
Рахмонов Д.

Битирув малакавий иши муҳокама қилинди ва
ҳимояга рухсат берилди.
Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви
кафедраси мудири, и.ф.д., профессор.
«_____» _____ 2011 йил.

Муртазаев О.

Самарқанд - 2011

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
АСОСИЙ ҚИСМ.....	9
I. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.	9
II. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ УЎШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ – ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ.....	17
2.1. Хўжаликларнинг жойлашуви, ихтисослашганлиги ва ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати.....	17
2.2. Фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишни таҳлили	22
2.3. Фермер хўжаликларининг асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси ва улардан фойдаланиш.....	26
III. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ	31
3.1. Ғалла ишлаб чиқарилишининг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари.	31
3.2. Фермер хўжаликларида ғалла ишлаб чиқаришни ҳозирги ҳолати ва самарадорлиги	34
3.3. Инқирозга қарши чоралар дастурини изчил амалга ошириш хўжаликнинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосидир	46
IV. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ОПТИМАЛ ТАРКИБИНИ АНИҚЛАШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ...	50
4.1. Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда экин майдонларининг таркиби ва алмашлаб экишнинг ўрни	50
4.2. Фермер хўжаликларида экин майдонлари таркибини оптималлаштиришда иқтисодий-математик моделларни қўллашнинг самарадорлиги	53
4.3. Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва унинг самарадорлигини таҳлили.	57
V. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	64
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	66
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	72

КИРИШ

Дехқончилик соҳаси қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Унинг маҳсулотлари инсонлар учун озиқ-овқат чорвачилик учун ем-хашак, саноат учун эса хом ашё сифатида фойдаланилади. Илмий изланишлар натижалари шуни кўрсатадики, жаҳон, жумладан Ўзбекистон халқлари яқин келажакда ўсимликчилик маҳсулотларидан янада кенгроқ ва самаралироқ фойдаланиш учун реал имкониятларга эга. Асосий вазифа боскичма-босқич уларни ишга солиш, кўпроқ, сифатлироқ ва рақобат бардош юқори дажадаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, бинобарин истеъмол қилиш ҳамда чет элга экспорт қилишдан иборатдир.

Оғир келган 2009 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8.1 фоизга ўсди, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошди, ташқи савдонинг ижобий салмоғи 2.3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Ўртача ойлик даражасининг ўсиши 40 оғизга, аҳоли даромодлари 26.5 фоизга кўпайди. Мураккаб иқлим шароитига қарамасдан, илк бор 7.3 миллион тоннадан зиёд ғалла, шу жумладан 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди, 3.4 миллион тонна пахта хом ашёси тайёрланди.

Пахтачилик ва ғаллачилик Республикамизда деҳқончиликнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланади ва улар алоҳида халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга. Истиқболда мамлакатимиз аҳоли жон бошига ўртача 500 килограммдан ғалла ишлаб чиқариб ғаллачилик тармоғининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий самарадорлигини оширади.

Аммо бу вазифани бажариш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун дунё бозоридан ғалла маҳсулотлари сотиб олиш давом этади. Худди шу каби фикрларни пахтачилик ва бошқа ўсимликчилик турлари бўйича ҳам келтириб ўтиш мумкин. Бу каби масалаларнинг негизида эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий элементлари сифатида ер ресурслари муҳим ўринни эгаллайди, бошқача айтганда ердан унумли оптимал фойдаланиш негизида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш

ортади, Республикамиз иқтисодиёти янада мустаҳкам шу билан бирга янада самарали бўлади.

Маълумки Республикамизнинг умумий ер фонди 44.8 млн.гани ташкил этади, шундан 27.9 млн.га ёки 62.3 фоиз қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардир. Шу ерларнинг 4 млн.474 минг.га ёки атиги 10.0 фоиз экин майдонларини ташкил қилади.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислон Каримов юртимиз истиқболи халқимиз келажаги кўп жихатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди.

Айниқса охириги йилларда бу борада қабул қилинган қатор қарорларда, Президентимиз қишлоқ хўжалигида ерга қандай муносабатда бўлиш кераклиги пухта ва аниқ кўрсатиб берилди. Конституциямизда ер умуммиллий бойлик ва давлат мухофазасида эканлиги, ердан оптимал фойдаланиш зарурлиги ёзиб қўйилган. Шу асосда қабул қилинган Ер кодексида халқимиз ҳаёти фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ердан самарали ва белгиланган мақсада фойдаланишга қаратилган муҳим принциплар мустаҳкамланади. Ушбу ҳуқуқий негизга таянган ҳолда мамлакатимизда фермерлик ҳаракати авж олдирилмоқда.

Ўтган даврда Ўзбекистон дунёдаги муҳим стратегик маҳсулот пахта толасини асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси сифатидаги ўрин ва нуфузини янада оширди. Шунинг баробарида ғалла мустақиллигини қўлга киритдик. Юртимиз мева-сабзавот маҳсулотлари, узум ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ҳам МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда турибди. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Айни чоғда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай мамлакатимизнинг келажагини белгилаб берадиган муҳим омилдир. Шундай экан, биз бу бойликдан оқилона ва унумли фойдаланиш, уни асраб авайлаш, халқимиз онгу шуурига ерга нисбатан мулкчиликнинг янги шакллари моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ сингдириш, фермерларимизга қонуний асосда ер ажратиб бериш

борасида бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар талаб даражасидами йўқми деган савол ҳамон бизни қийнаб келади. Шундай экан биз санаб ўтилган кўплаб муаммолар орасидан деҳқончилик маҳсулотларини янада кўпроқ ишлаб чиқариш халқимизни бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондириш учун ушбу мавзуга тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Шуни айтиш керакки, жорий йилда кўзланган вазифаларни мураккаб бир вазиятда, яъни, дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг иқтисодиётига ўта кескин таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози билан боғлиқ бир шароитда амалга оширишга тўхри келади.

2008 йилда бошланган бу инқироз ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни тобора кенг ва чуқур қамраб олмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришнинг пасацишига, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашувига олиб келмоқда, бир сўз билан айтганда, бу инқироз кўп жиҳатдан оқибатини олдиндан билиб бўлмайдиган даражада жиддий тус олмоқда.

Иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва иқтисодий-молиявий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, жаҳон молиявий инқирози, аввала унинг оқибатлари бизга ҳам салбий таъсир кўрсатаётганини кузатиш мумкин. Бундай таъсир, авваламбор, умуман дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетишида ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларининг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдаги корхоналар фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни туғдирмоқда.

Мухтасар айтганда, ўтган йил биз учун, биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлди, Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай халқимизнинг

фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодийетимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик.

2009 йилда вилоятимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9.7 фоизни, саноатда 12.0 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17.7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21.3 фоизга ўсди.

Иқтисодийетнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди, жумладан қишлоқ хўжалигида 5.0 фоиз ўсишга эришилиб 240 минг тонна пахта хомашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна буғдой етиштирилди.

Республикамиз деҳқонлари жорий 2009 йилда 6610 минг тоннадан ортиқ ғалла етиштириб, рекорд натижаларга эришдилар. Суғориладиган ерларда ўртача ҳосилдорлик 51.2 центнерни ташкил этди. Бу кўрсаткич Андижон, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида 56-62 центнердан юқори бўлди. Ғалла етиштиришнинг илғор технологияларга амал қилган кўплаб фермерларимиз 70-80 центнер ва ундан ошириб ҳосил олишга мувофиқ бўлдилар. Шунинг билан биргаликда бир хил табиий иқлим шароитида иш тутган айрим фермерлар ҳар гектар ердан 30-35 центнер ва ундан ҳам паст ҳосил кўтариб ўз олдиларига қўйган вазифаларни бажара олмадилар.

2010 йил ҳосили учун Республика бўйича жами 1334.8 минг гектар майдонда бошоқли ғалла экинлари экиш белгиланган (шундан 1131.8 минг гектари сувли майдонларни ташкил қилади, қолган 203 минг гектари лалми).

Айтиш жоизки, ўз муддатида экилган майдонларда ҳосил 8-10 центнерга ортади, кечикиб экилган майдонларда эса 6-8 центнерга камаяди.

Ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарали тизими ва механизмларини жорий этиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Бунга эришиш учун фермер ва деҳқон хўжаликлари ердан самарали фойдаланиш бўйича бозор тамойиллари ва талабларига мос тизимнинг шаклланишига устиворлик берилмоғи лозим. Илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилиши ва

технологиялар яратилиши ҳамда ҳар бир фермер хўжалигининг реал шароитидан келиб чиқиб уларни амалиётга жорий этиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибини қайта ўзгартириш ва ислохотларни янада чуқурлаштиришни амалга ошириш жараёнида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, “Одамларда мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш, деҳқонларимизда ерга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг дунёқараши ўзгармоқда, уларда ташаббускорлик, тadbиркорлик, ер ҳамда сув ресурсларига маъсулят ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш каби фазилатлар янда яққол намоён бўлмоқда”.

Аграр тармоқни жадал ривожлантириш ер ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Чунки суғориладиган ерларнинг -0.2 фоизини мелиоратив ҳолати ёмон, 25 фоизини уртачадан паст, 48.2 фоизини уртача, 24.3 фоизини яхши ва 2.3 фоизини энг яхши ерлар ташкил этади. Шунингдек ерларнинг шўрланиш даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда. Бу нафақат экинлар ҳосилдорлигининг пасайиши, балки тармоқнинг рентабеллигига, экологик ҳолатини бузилишига таъсир кўрсатмоқда.

Фермер хўжаликларининг ерларидан самарали фойдаланиши бўйича мониторинг юритишда бевосита маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ерларни баҳолаш хариталарини тузиш муҳим омил ҳисобланади.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш учун фермер хўжаликлари ер майдонлари ҳолатининг даврий режали тарзда мониторингини ташкил этишни кенг йўлга қўйилган, лекин даврий режали кузатув ишлари ҳали тўлиқ амалга оширилмаган.

Ердан самарали фойдаланганларга солиққа тортиш тизими, моддий-техника таъминоти ва молия-кредит масалалари бўйича янгиликлар яратиш, ер ижараси шартномасида кўзда тутилган маъсулятини оширишга оид ҳуқуқий-иқтисодий чора-тадбирлари амалга оширилмоғи лозим. Зеро мазкур тадбирлар пировард натижада ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, атроф муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини кўтаришда муҳим ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

I. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.

Соҳада тўпланган тажриба ва кўникмалар шундан далолат берадики, аграда қишлоқ хўжалигида ислохот юритишмаса ҳеч қайси соҳада ўзгариш бўлмайди. Бу ўзгаришларга асос сифатида ҳукуматимизни қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари туғрисидаги қабул қилинган фармонлари ҳам чиқдики, қайсини амалда ижро этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу борада олиб борилаётган кенг миқёсли ўзгаришлар мавжуд барча ресурслардан жумладан ер, сув, минерал ва органик ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари, техника ва бошқалардан фойдаланишни тубдан яхшилаш, уларни оқилона, оптимал ишлатиш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уни ҳаётга жорий этиш, қўллашни талаб қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оптималлаштириш масаласининг асосий мақсади ва бу мақсадга эришиш учун зарур бўладиган воситаларни аниқлаш зарур бўладиган воситаларни аниқлаш талаб қилинади. Мавзуни долзарблиги ҳам ана шундан келиб чиқади. Демак, деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг шундай самарали, оптимал вариантларни аниқлаш талаб этиладики унда максимал қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни энг кам харажатлар сарф этган ҳолда эришилсин.

Бундай ва шунга ўхшаш масалаларни ижобий, мақсадга мувофиқ равишда оқилона ҳал этиш учун эса уни анъанавий усуллар ёрдамида амалга ошириш мумкин эмаслигини ҳаётни ўзи яна бир бор тасдиқланди. Демак бундай муаммоларни ҳал этиш учун бизнинг фикримизча эса албатта замонавий компьютерлар ва иқтисодий математик модиллар, усуллардан кенг фойдаланишни тақозо этади, замонамиз талаби ҳам шундадир. Сабаби қишлоқ хўжалик корхоналари тармоқлари ва уларнинг ихтисослари орасидаги мураккаб нисбатлар иқтисодий шартлар билан у бир томондан, қафолатланган маҳсулот етиштиришни бажариш топширикларида ўз аксини

топувчи аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини иккинчи томонда, хўжаликдаги ер, меҳнат ва моддий ресурслардан оптимал, янада тўлароқ самаралироқ фойдаланишга мослашув билан аниқланади. Шунингдек иқтисодий шартлар билан бириккан деҳқончилик тармоғининг ҳажми ва миқдори, технологик, мураккаб ишлаб чиқариш жараёни ва бошқа шартлар билан аниқланадики буни компьютерлар ва иқтисодий математик методларсиз ҳал қилишни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки ушбу муаммоларни ечишда компьютерлар математик усулларни қўллаш изланишларни иқтисодий самарадорлигини сезиларли даражада оширади. У ҳисоблаш вақтини анчагина қисқартирибгина қолмай, балки оптимал, самарали натижаларга эришишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг сессиясида кўрилган масалалардан бири ҳалқ хўжалигида компьютерлаштиришни алоҳида давлат дастури сифатида қараб уни қўллаш ва шу билан боғлиқ қонунларни қабул қилинишни ўзи ҳам, шу билан бирга Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов “XXI компьютерлаштириш ва телекоммуникация” асри бўлади деган сўзларининг маъносидан келиб чиқиб айтиш мумкинки қишлоқ хўжалигида ҳам компьютерларни, иқтисодий математик усуллар ва моделларни қўллаш муҳим масалалардан бири эканлигига шубҳа қолмайди.

Қуйида малакавий битирув ишимизни мазмуни, мақсади, қўйилган масалани талқин қилиш нуктаи-назаридан уни ёритиш учун фойдаланилган адабиётларнинг айримларининг қисқача шарҳларини келтириб ўтамиз. Бу ерда шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, масалага дахлдор бўлган Мухтарам Президентимиз асарларини мазмунини, тахлилини ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб келтириб ўтмоқчимиз.

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”–Т:Иқтисодиёт 2009-120б.

Президентимиз ушбу асари Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги тавсиясига кўра таълим тизимида жорий қилинаётган махсус ўқув курси учун мўлжалланган. Унда Президентимиз Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўналишлари ва чоралари” номли асарининг асосий мазмуни баён этилган.

Президентимиз томонидан асарда кенг эътибор қаратилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва салбий таъсири оқибатлари, Ўзбекистонда инқироз таъсири оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омиллар, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, устивор йўналишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида талабаларга билим бериш мақсадида асосий масалалар атрофлича ёритилиб берилган.

2.Каримов И.А-Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Х-сессиясида сўзлаган нутқ 1997 йил 25-декабр. Тошкент, Ўзбекистон, 1998.

Асарнинг туб моҳияти, Олий Мажлис Х-сессияси кун тартибига, бошқа муҳим масалалар билан бир қаторда, улкан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган – қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммосини ечиш масаласини киритилиши ва унга мукамал, ҳар томонлама илмий асосланган ечимлари Мухтарам Президентимиз томонидан тақдим этилишида деб ўйлайман.

Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқида “Бугун қишлоқ хўжалигини ислох қилишга эътибор берганимиз албатта бежиз эмас” деб таъкидладилар. Агарда И.А.Каримов, қишлоқда хўжалик юритиш механизми мутлақо янги асосларини барпо этиш, қишлоқ хўжалигини молиявий таъминлаш ва суғурталаш, қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи, минерал ўғитлар учун ўзаро ҳисоб китобларни янги тизимини ишлаб чиқилганлигини ва жорий этилганлиги ва шу каби бир қанча муҳим масалаларга тўхталиб ўтганлар.

Бу асарни мен ўз битирув ишимни бажариш жараёнида дастури амал сифатида фойдаландим ва кейинги ишларимда ҳам бу асар бизларга асосий иш қуролимиз бўлиб қолади.

3.Жураев Ф.Ж. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Тошкент. “Истиклол”, 2004 йил.

Мазкур дарслик йирик 345 саҳифани ўз ичига олади. Таниқли олим, устоз, профессор, иқтисод фанлари доктори Ф.Жўраевнинг ушбу йирик асари менинг битирув ишимнинг мавзуси бўйича асосий қўлланмалардан бири бўлиб ҳисобланади. Дарсликнинг биринчи бўлими Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий асосларига бағишланган бўлиб унда фаннинг мазмуни ва вазифаларга, турли хил мулкчилик шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташкилий иқтисодий асосларига тўхталиб ўтилган. Айниқса дарсликнинг иккинчи бобида биз учун ўта муҳим бўлган шароит, фермер, деҳқон ва ижара хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари ҳар томонлама ва чуқур асослаб берилган. Кейинги учинчи бобда хўжалик юретишнинг тизими ва тушунчаларига ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида бозор ишининг механизмларига тўхталиб ўтганлар. Умуман олганда устозимиз, профессор Ф.Жураевнинг ушбу асарида мен ўз малакавий битирув ишимни дастур сифатида фойдаландим. Сабаби мазкур дарслик қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатларини бозор тизими асосида шакллантиришнинг долзарб масалалари, турли хил мулк шаклидаги корхоналарнинг ташкилий хўжалик асослари хусусан фермер хўжаликларини янги концепция асосида шугуллантириш ва ривожлантириш, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини ташкилий иқтисодий асослари, бизни режалаштиришни такомиллаштириш ва шунга ўхшаш долзарб муаммоларни ўрганишнинг назарий ва амалий асослари мукаммал акс эттирилган.

4.Жураев Ф.Ж. ва бошқалар. Фермер хўжаликларининг айрим ташқи иқтисодий хўжалик юретиш механизмларидан фойдаланишдаги муаммо ва ечимлар. Фарғона. 2006й.

Устозимиз, профессор Ф.Ж.Жўраев ушбу илмий мақоласида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш даврига қараганлиги, улар ўз фаолиятларини хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган тамойиллар асосида ривожлантириш, моддий ва мулкый жавобгарлик, тадбиркорлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик рақобат жараёнида ҳаракат қилиш кабилан ёрдамида ташкил этилганлигини асослаб берган.

Шу билан кўплаб таклифлар ҳам келтирилганки улар фермер хўжаликларида ички хўжалик юритилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имконият яратиб беради.

5.Исмоилов А, Муртазаев О, “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” Дарслик. Тошкент. 2005 йил

Қишлоқ хўжалик иқтисодиётининг самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг умумий масалалари товар пул муносабатлари, мулкчиликни ташкил топиш хусусиятлари, ресурслар потенциали, уларни баҳолаш ва оқилона фойдаланиш, шунингдек деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари иқтисодиётининг долзарб муаммоларини ўрганиш хусусиятлари ушбу дарсликда кенг ёритилган.

Шунингдек ушбу дарсликда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачилик соҳасининг иқтисодиёти 23-бетда кенг ва батафсил ёритилган. Бунда пахтачиликнинг ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти, пахта экишнинг бошқа экинлар орасида тутган ўрни, пахтачиликнинг ривожланиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболи, пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари жадваллар ёрдамида батафсил ёритилган.

6.Қудратов Т.Қ. Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий таҳлили (методик қўлланма) Самарқанд 2006.

Ушбу қўлланма кириш ва 8 та бободан иборат унда фермер хўжалигининг тавсифи, унинг фаолиятини таҳлил қилишнинг аҳамияти, мақсади ва вазифалари етарлича асослаб берилган. Қўлланманинг иккинчи бобида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни натижаларининг таҳлили деб номланиб унда таҳлилнинг аҳамияти ва мақсади, ўсимчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режасини бажарилиши ва динамикасини таҳлили, экин майдонларининг структурасини ўзгартиришнинг ялпи ҳосилнинг ўзгаришига таъсирининг таҳлили, экин майдонларининг маҳсулот миқдорининг ўзгаришига она момлар структураси ўзгаришининг таъсирини таҳлили ва бобни якунида эса ўртача маҳсулдорликнинг омилли таҳлили, уни ошириш имкониятлари тўлиқ ёритилган.

Навбатдаги боб ер-сувдан фойдаланиш самарадорлигини таҳлиliga бағишланган бўлиб умр қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишни самарадорлиги тўлиқ таҳлил қилинган. Қўлланманинг кейинги бобларида меҳнат унумдорлиги ва унинг маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсири, фермер хўжалиги тўлов қобилиятининг таҳлили ушбу қўлланмада тўлиқ келтирилган бўлиб мен ўз малакавий битирув ишимда ундан унумли фойдаландим.

7.Ганиев И.М. “Пахтачилик мажмуи иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари” Автореферат, Самарқанд 2005йил.

Мазкур авторефератда пахтачилик агросаноат интеграциясида пахтачилик мажмуини яратиш зарурият асослаб берилган бўлиб, жумладан қуйидагиларга тўхталинган:

-“Пахтачилик мажмуини яратишнинг зарурияти қуйидагилардан иборат”:

-пахтачилик мажмуи уни бошқаришни такомиллаштиради ва якуний маҳсулот сифатини кафолатлайди:

-томонларни, айниқса, хом ашё ишлаб чиқарувчиларнинг техника ва бошқа моддий-техник воситалар билан таъминланиши яхшиланади:

-ишлаб чиқариш қуввати ва иш кучидан самарали фойдаланиш имконияти яратилади:

-қишлоқ хўжалиги ишлаб ва қайта ишлаш саноати корхоналарида фан ва техника ютуқларини комплекс қўллаш учун шарт-шароитлар вужудга келади:

8.Муртозаев О. “Пахтачилик агросаноат мажмуаси самарадорлигини ошириш муаммолари” Монография. Тошкент, “ФАН” 2000й.

Мазкур монографияда пахтачилик агросаноат мажмуаси ўрганилиб чиқилган ва пахтачилик мажмуасини илмий, услубий ва амалий асослари асослаб берилган.

9.Орипов Р.О, Халилов Н.Х. “Ўсимликшунослик” Дарслик. Самарқанд. 2005й

Мазкур дарсликда ўсимликшуносликнинг, хусусан, пахтачиликнинг назарий асослари, маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказлари ва улар иноипларининг шаклланиш шароитлари, биологик азот, ўсимликларнинг оптимал намлик билан таъминланиши, ўсимликларнинг фотосинтез фаолияти, аралаш ва қўшиб экилган ўсимликларнинг мутаносиблиги, уруғшунослик, сўнгги йиллигидаги ислохотлар, ўзгаришлар ҳамда фандаги ютуқлар ҳисобга олинган ҳолда ёритилган.

10.А.Алтиевнинг “Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини эркинлаштиришнинг иқтисодий механизми” га бағишланган монографияси (“Фан” нашриёти, 2009й.)

Ер ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, ер бозорининг шаклланиши, аграр секторда ер ресурсларидан фойдаланиш тизимида амалга оширилган ислохотлар натижалари, ер ресурсларини хусусийлаштириш ва ер мулкчилигининг капиталлашуви каби масалалар қаралган.

Биз ушбу монографиядан ўз мавзумизни ёритишда тўлиқ фойдаландик.

11.Ғ.Қудратов “Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон ғаллачилигидаги иқтисодий муносабатлар”. Монография. Т.2010й.

Монографияда Республикамизда мустақиллик йилларда ғаллачилик соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлардан мустақиллигига эришиш Дастурининг амалга оширилиши ва бунда ғалла навларини яхшилаш ҳосилдорлигини ошириш майдонлардан самарали фойдаланиб ғалла ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши ва бошқа маълумотлар умумлаштирилиб, илмий тадқиқ этилган. Ғалла етиштириш, тайёрлаш ва сотиш тизимида бозор тамойилларини жорий қилиш, ғаллачилик мажмуаси корхоналарида иқтисодий самарадорликни белгилашга илмий-амалий асосланган услубда ёндошиш тавсия этилган.

12.Н.Қаюмованинг “ФАН” нашриётида 2010 йилда чоп этилган. “Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти” номли монографиясида мамлакатимизда иқтисодий ривожланишнинг янги илмий тадқиқотлар ва инновацияларга асосланган сифат босқичи хусусиятлари барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда миллий инновацион тизимининг аҳамияти, замонавий таълимнинг иқтисодий ривожланиш омилига айланиши Республикамизда компьютерлардан фойдаланиш ва ахборот коммуникация технологияларининг истиқболлари кенг тадқиқ этилган. Шунингдек рисолада иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик моделлаштириш, уларни математик услублар ёрдамида сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил этиш муаммолари, янги ғоялар ва инновациялар яратиш жараёнларининг эконометрик моделлари ҳамда янги иқтисодий ўсиш модели таклиф этилган ва амалиётда синаб кўрилган меделлар негизида миллий иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинган.

II. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ УЮШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ – ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ

2.1. Хўжаликларнинг жойлашуви, ихтисослашганлиги ва ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати

Эргаш ўғли Исмоил МТП ҳудудида ҳаммаси бўлиб 13 та фермерлар ташкил этилган бўлиб уларнинг умумий майдони 2096,6 гектарни ташкил этади. Бу фермер хўжаликлари уюшмаси собиқ «Дмитров» ҳамда «Ўзбекистон» ширкат хўжаликларининг негизида ташкил топган ва уларнинг бир қисми «Навбахор» ширкат хўжалиги ҳудудига ҳам тутшиб кетган.

Эргаш ўғли Исмоил МТП жанубда Иштихон туманини собиқ Й.Охунбобоев ширкат хўжалиги ҳозирги «Нарзулла ота Асроров» МТП, шимолдан Қоросув каналини ирмоғи «Сизғон» каналчаси билан, ғарбдан Челак – Каттакўрғон автотрассаси ҳамда шарқ томондан Лули қишлоқ ва эси Раим аҳоли пункти билан чегараланган.

Ҳудудимизда 2 та боғча, 1 та умумий ўрта таълим мактаби, 4 та сартарошхона, 2 та ошхона, бита тиббий врачлик амбулаторияси, 1 та оёқ – кийим таъмирлаш устахонаси ҳамда аҳолига хизмат кўрсатадиган бошқа маиший хизмат кичик корхоналари фаолият кўрсатади.

Фермер хўжалигининг об-хаво иқлими шароити бошқа хўжаликларнинг об-хаво шароитидан тоғ ён бағрида бўлганлиги учун бир мунча фарқ қилади. Хўжаликда энг юқори температура ёзда 43-45⁰ С иссиқ, қишда эса 17-18⁰С совуқ бўлади. Хўжаликнинг тупроқ таркибига бўз ерлар киради. Эргаш ўғли Исмоил номли фермер хўжалигининг иш фаолиятини Пайарик тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси назорат қилади. Жойлаштириш ва ихтисослаштириш қишлоқ хўжалиги меҳнат тақсимотининг турли томонларини акс эттирувчи кўрсаткичидир. Ихтисослаштириш меҳнат тақсимотининг сифатли томонини акс эттириб, у ёки бу хўжаликда, районда, вилоятда жумҳуриятда ва қайси турдаги маҳсулот ёки тармоқ етакчи эканлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг тараққиётини энг аввало ердан оқилона фойдаланишга, унда етиштириладиган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлар даражасига боғлиқ қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг

Ўзига хос хусусиятларидан бири бу меҳнат қуроллари меҳнат буюмлари билан бир қаторда ер ва сув ресурсларининг ҳам қатнашувидир. Кишилиқ жамияти томонидан фойланиладиган хама ерлар ер ресурслари деб аталади.

Ер ресурслари қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тупроқнинг табиий шароитига қараб бўлинган далаларда хар гектар ерга ҳам меҳнат ва кам маблағ сарфлаб кўп махсулот етиштириш билан белгаланеди. Қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришнинг имкониятлари мавжуд. Шундай имкониятлардан бири бу қишлоқ ерларини структурасини яхшилашдир. Ер ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси экан аҳолини деҳқончилик, чорвачилик ҳамда саноатни хом-ашё махсулотлари билан таъминлашда асосий ролни ўйнайди. Бунда асосан дастлаб мавжуд бўлган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ундан юқори хосил олиш асосий вазифа бўлиб хисобланади. Хўжалиқларда ер фонди ва унинг гурухлари қишлоқ хўжалиқ ерларининг таркибини экин майдонларини тахлил этиш билан ер ресурсларидан қандай фойдаланганлиқларини билиб оламиз. Бунда асосан тупроқ унумдорлигини ошириш мелиратив ҳолатини яхшилаш ва экинга тайёрлаш ишларини пухта ўлга кўйиш кўзда тутилади. Ҳозирги кунда ерлардан самарали фойдаланишнинг ўли алмашлаб экишни жорий этишдир.

Хўжалиқнинг жами ер майдони 2096,6 гектарни ташкил қилиб шундан экин майдони жами 1661,7 гектарни ташкил этади ва унинг структурасини қуйидаги жадвалда кўрамиз. Кўп йиллик дарахтлар 2009 йилда 87,7 гектарга ташкил қилган бўлиб 2010 йилда 2 гектарга камайган, пичанзор ва яйловлар майдони 2009 йилда 199,5 гектарни ташкил қилиб 2010 йилда бу майдоннинг 0,5 гектари ўзлаштирилган ва суғориладиган ерларга кўшилган бошка экинлар майдони деярли ўзгармай қолган.

1 -жадвал

Хўжаликнинг умумий ер майдони ва таркиби

№	Кўрсаткичлар	2008 йил		2009 йил		2010 йил	
		Миқдори, га	таркиби, %	миқдори, га	таркиби, %	миқдори, га	таркиби, %
1	Экин майдони	1650,1	78,7	1659,2	79,1	1661,7	79,3
2	Пичанзор ва яйловлар	210,1	10,0	199,5	9,5	199	9,5
3	Кўп йиллик дарахтлар	86,2	4,1	87,7	4,2	85,7	4,1
	Шундай						
3.1	Боғлар	62,7	72,7	64,2	73,2	62,2	72,6
3.2	Узумзорлар	6,3	7,3	6,3	7,2	6,3	7,4
3.3	Тутзорлар	17,2	20,0	17,2	19,6	17,2	20,1
4	Бошқа ерлар	150,2	7,2	150,2	7,2	150,2	7,2
	Қишлоқ хўжалик ер турларининг жами	2096,6	100,0	2096,6	100,0	2096,6	100,0

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари

Хўжаликда жами экин майдони 2,5 гектарга ошган. Энди экинларнинг майдонларининг жами майдонга нисбатан салмоғини тахлил қиладиган бўлсак(1-жадвал), пахта майдони 2009 йил 62,5 %, 2010 йилда 62,6% бўлган, буғдой майдони 2009 йилда 28,8% бўлган бўлса, 2010 йилда 28,7% ни ташкил этган, помидор майдони 2009 йилда 2,3 % бўлса 2010 йилда 2,3 % ни ташкил этган. Қолган экинлар салмоғи деярли ўзгармаган.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ғалла майдони камайиб борган, яъни 2009 йилда 478,3 гектар бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 476,3 гектарга етган ва 2 гектарга камайган. Пахта майдони 2009 йилда 1036,7 гектар бўлган бўлса, 2010 йилга келиб эса 1040,2 гектарга экилган. Помидор экиладиган майдон 2009 йил 38,5 гектар бўлган бўлса 2010 йилда 39 гектарга экилган ва 0,5 гектарга ошган, сабзавотлар 2009 йилда 22,3 гектарга экилган бўлса, 2010 йилда 24,1 гектарга экилган.

2-жадвал

Хўжаликнинг экин майдони ва таркиби

Т/р	Экин турлари	Ўлчов бирлиги	2008 йил	Салмоғи, %	2009 йил	Салмоғи, %	2010 йил	Салмоғи, %
1	Пахта	га	1022,4	62,0	1036,7	62,5	1040,2	62,6
2	Ғалла	га	476,3	28,9	478,3	28,8	476,3	28,7
3	Памидор	га	38,9	2,4	38,5	2,3	39	2,3
4	Сабзаёт	га	21,9	1,3	22,3	1,3	24,1	1,5
	Полиз экинлари	га	3,4	0,2	3,5	0,2	3,5	0,2
5	Силос учун маккажўхори	га	21,1	1,3	20,5	1,2	20,5	1,2
	Дон учун маккажўхори	га	26,1	1,6	19,4	1,2	20,1	1,2
6	Беда	га	40	2,4	40	2,4	38	2,3
	Жами:	га	1650,1	100	1659,2	100,0	1661,7	100,0

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари

2.2. Фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишни таҳлили

Қишлоқ хўжалиги бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқлари қатори инсоннинг ҳар томонлама эҳтиёжини қондирадиган истеъмол қийматлар яратиш мақсадида ресурсларга бўлган талабини қўйиб беради. Бу жараёнда амалга ошириш комплекс объектив ва субъектив ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни талаб қилади. Улар инсон меҳнати, меҳнат воситалари ва меҳнат предметларидан ташкил топади.

Инсон меҳнати, ер, сув, меҳнат воситаси ва меҳнат предмет қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширувчи зарурий шароит ва омиллардир, бинобарин унинг ресурсларидир. Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ресурслари меҳнат, ер, сув ва моддий ресурслар-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида фойдаланилади ва унинг потенциалини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш ресурсларнинг ижобий чегараланганлиги, баъзи ҳолларда камёблиги, бир томондан, улардан анча интенсив ва самарали фойдаланишни, бошқа томондан бир ресурсни бошқа ресурс билан алмаштириш, уларнинг бир-бирини ўрнига қўйиш имконияти заруриятини келтириб чиқаради. Ёрларнинг ўнмдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга комплекс механизация ва автоматлаштиришни қўллаш меҳнат ресурслари ва бошқалар камёблигини тўлдиришга ёрдам беради. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш ресурсларини истеъмол қилиш билан характерланади. Бу эса уларни такрор ишлаб чиқариш лозимлигини билдиради. Ҳар бир ресурс турига мос равишда маълум такрор ишлаб чиқариш манбаи мос келади. Масалан, меҳнат ресурсларининг манбаи – капитал маблағлар, моддий оборот воситаларининг манбаи-маҳсулот сотишдан тушадиган пул ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда муҳими омил меҳнат ресурсларидир. Шунинг учун жами ишлаб чиқариш куроллари ичида, энг қудратли ишлаб чиқарувчи куч ишчиларнинг ўзи. Қишлоқ хўжалигида

меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда иштирок этиш қобилиятга эга бўлган кишилар тўпламини ифодалайди. Меҳнат ресурсларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилардан ташқари, маълум бир шароитда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда қатнашиш имкониятига эга бўлган кишилар, яъни меҳнат заҳиралари ҳам киради. Меҳнат ресурсларининг энг ҳаракатчан ва бир вақтнинг ўзида социал актив қисми иш кучидир. У кишининг жисмоний ва маънавий қобилиятларининг йиғиндисидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг миқдори, таркибига, малакаси ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларига меҳнатга яроқли эркаклар 16 дан 60 ёшгача, аёллар 16 дан 55 ёшгача, шунингдек қишлоқ жойда яшовчи ўсмирлар ва нафақахўрлар киради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига: доимий, мавсумий, вақтинчалик ишчилар, шунингдек штатда турувчи ишчилар, ўсмирлар, пенсионерлар киради. Шу жумладан: доимий ишчиларга – муддатсиз ишга қабул қилинганлар, мавсумий ишчиларга эса 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар киради. Вақтинчалик ишчиларга эса 2 ойгача муддатга қабул қилинганлар киради.

Қуйидаги жадвалда хўжалигимиздаги мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси келтирилган.

ФХУ нинг (ММТП) меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси

Т/р	Меҳнат ресурслари	Йиллар			2010 йил 2008 йилга нисбатан	2010 йил 2009 йилга нисбатан
		2008	2009	2010		
1	Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони	111	100	91	82,0	91,0
2	Шу жумладан: қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар	111	100	91	82,0	91,0
3	Шундан: доимий ишловчилар	94	85	81	86,2	95,3
4	Хизматчилар (раҳбар мутахассислар)	12	11	7	58,3	63,6
5	Шундан раҳбарлар	5	5	3	60,0	60,0
6	Мутахассислар	7	6	4	57,1	66,7
7	Бошқарув ходимлари	5	5	3	60,0	60,0
	Жами:	111	100	91	82,0	91,0

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари

3-жадвал маълумотларига асосланиб қуйидагиларни айтиш мумкин, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар 2008 йилда 111 киши бўлган бўлса, 2009 йилда эса 100 киши бўлган, бунда 11 кишига камайган. Шу билан бирга хўжаликда жами ишловчилар 2010 йилда 91 кишини ташкил этиб, 2008 йилга нисбатан 20 кишига камйган, ёки 2010 йилда 2009 йилга нисбатан қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 9 кишига камайган. Бунинг асосий сабабларидан бири охирги 2010 йилда хўжалигимиз таркибида кўплаб янги фермер хўжаликларининг ажралиб чиқиши ҳисобланади. Бугунги кунда ажралиб чиққан фермер хўжаликларининг сони ҳозирча номаълум бўлиб турибди, сабаби бу жараён шу кеча-кундузда ҳам давом этмокда.

Ишлаб чиқариш жараёни ҳар бир маълум бир босқични ва тайёр маҳсулот олишни акс эттирувчи, бир бутун меҳнат жараёнлари комплекси базасида амалга оширилади. Бундан ташқари, кўп ҳолларда ишлабчиқариш жараёни, инсон меҳнати иштирокисиз ҳам, табиий омиллар таъсири асосида содир бўлади. Меҳнат жараёни, маълумки ўз ичига уч элементни: Меҳнат воситаси, меҳнат предметлари ва бевосита инсон меҳнатининг ўзини олади. Ишлаб чиқариш воситаларисиз меҳнат жараёни маъносиз бўлади, ўз навбатида инсон меҳнатисиз ишлаб чиқариш воситалари ҳам ўликдир ва ҳеч нарса ярата олмайди.

Кишилар меҳнати ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракат қилишга ва инсоннинг мақсадини амалга оширишга бирга ҳаракат қилишга мажбур қилади. Меҳнат воситалари ва меҳнат предметларини ярата бориб ва табиатга таъсир этиб, инсон ўзини ҳам ўзгартиради, унинг малакаси, билими ва ишлаб чиқариш тажрибаси ошади. Жамият ривожланиши билан меҳнат воситалари такомиллашиб боради, ишлаб чиқариш жараёнига янги-янги иқтисодий ресурслар жалб қилинади. Меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади ва унинг характери ишлаб чиқариш муносабатлари билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар системасидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар уч гуруҳга бўлинади.

1.Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига меҳнат ресурсларини жалб қилиш даражаси.

2.Ишчи кучидан иш вақтида тўлиқ фойдаланиш.

3.Иш кучидан фойдаланиш самарадорлигини.

Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги кўрсаткичлар меҳнат ресурсларидан экстенсив фойдаланиш даражасини характерлайди. Учинчи гуруҳ кўрсаткичлар эса меҳнат ресурсларидан интенсив фойдаланишни характерлайди.

Иш кучидан фойдаланишнинг самарадорлигини умумлаштирувчи умумий кўрсаткич меҳнат унумдорли ҳисобланади.

2.3. Фермер хўжаликларининг асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси ва улардан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, ҳозирги босқичда мавжуд ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини оширишда моддий-техника базасини кенгайтириш, қайта ташкил қилиш ва реконструкция қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси деганда, қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган барча меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндиси тушунилади. Унинг таркибига ер ресурслари ишлаб чиқариш иморатлари, иншоотлари, қишлоқ хўжалик машиналари ва жиҳозлари транспорт воситалари, маҳсулдор ва иш ҳайвонлари, кўп йиллик дарахтлар, сув ресурслари, уруғлик, чорва озуқалари, нефт маҳсулотлари ўғит кимё воситалари ва бошқалар кирази.

Фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ишлаб чиқариш фоишлари шаклида намоён бўлади, буларнинг тажрибага пулда баҳоланмаган, корхонанинг баланси активида кўрсатилмаган айрим табиий ишлаб чиқариш

воситалари кирмайди. Ишлаб чиқариш фондлари кишлоқ хўжалигида алоҳида иқтисодий категория шаклида фойдаланилади. Ишлаб чиқариш фондларини Республикамиз миллий даромадининг асосий қисми ташкил бўлади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари деб, ишлаб чиқариш жараёнида бир неча бор катнашиб, ўзининг ташқи кўринишини ўзгартирмайдиган қийматини маҳсулот таннархига аста-секинлик билан ўтказиб боровчи воситаларга айтилади. Буларга ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, машина ва асбоблар, транспорт воситалари, хўжалик ва ишлаб чиқариш инвентарлари, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқа бир йилдан ортиқ ишлайдиган воситалар киради.

Ҳозирги вақтда амалдаги классификацияга мувофиқ хўжаликлардаги асосий ишлаб чиқариш фондлари ўзининг моддий (натурал) характери ва ишлаб чиқариш жараёнида бажарилган хизматиги қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий фондлари, иморат, иншоотлар, узатувчи мосламалар, қурилиш воситалари, машина ва қуроллар, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқалар.

2. Кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ишлаб чиқариш фондлари (саноат ишлаб чиқариш воситалари, қурилиш воситалари, савдо ва умумий овқатланиш воситалари ва бошқалар).

3. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган асосий фондлар (уй жойлар, клублар, болалар боғчаси, мактаблар ва бошқалар).

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фондлари структурасининг анчагина салмоғи иморат, иншоотлар (60 фоиздан кўпроқ), куч ва иш машиналари, транспорт воситалари ва мосламалари, (17 фоиз атрофида иш ва маҳсулдор ҳайвонлар (10 фоиз) ташкил этади.

Кишлоқ хўжалик корхоналарида асосий фондлар натура ва пул ҳолида ҳисобга олинади ва режалаштирилади. Натура кўрсаткичлари асосий фондларни миқдори ва сифати, шунингдек, хўжаликнинг ишлаб чиқариш

қуввати тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Асосий ишлаб чиқариш фондларини пул билан баҳолашда унинг дастлабки қийматига хўжаликка етказиб бериш харажатларини қўшиб ҳисобланади. Сотиб олиш қиймати ва хўжаликка олиб келиш қиймати биргаликда асосий ишлаб чиқариш фоизларининг дастлабки баланс қийматини ташкил этади. Ёш молларни катта ёшдаги маҳсулдор ёки иш ҳайвонларига ўтказишда уларни парвариш қилишдаги таннархи билан баҳоланади:

Асосий фондларнинг қуйидаги қиймат шакллари мавжуд:

1.Бошланғич қиймат - асосий фондларни ташкил этишдаги ҳақиқий сарфланган харажатлар.

2.Тикланиш қиймати – асосий фондларни сотиб олиш учун сарфланган харажатлар.

3.Қолдиқ қиймат – асосий фондлар қийматидан уларнинг эскирган қисмини чегириб ташлашдан қолган қисмидир.

Асосий фондлар қиймати маълум бир даврларда катта баҳоланиб борилади. Асосий ишлаб чиқариш фондлари жисмоний ва маънавий эскиради. Асосий фондларнинг фойдаланиш жараёнида эскириши унинг жисмоний эскиришидир.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш характерига ва хизмат муддатига қараб ишлаб чиқариш фондлари асосий ва оборот фондлари бўлинади.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида ўзларининг бошланғич кўринишини ўзгартирмайди ва бир неча ишлаб чиқариш жараёнида хизмат қилади ва ўз қийматини етиштирилаётган маҳсулотга қисм-қисм ўтказади, буни асосий воситаларнинг эскириши тарзида, оборот фоизлар бирор ўғит, уруғ, ем-хашак, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари минерал ўғитлар, арзон баҳолаш ва тез эскирувчан буюмлардир.

Ишлаб чиқариш жараёнида оборот фондлари ўзларининг натурал шаклини йўқотади ва битта ишлаб чиқариш шаклида истеъмол қилинади. Улар ўзининг қийматини тўла равишда ишлаб чиқаришдаги маҳсулот ёки бажарилган ишлар таннарихига ўтказади.

Корхонада оборот (айланма) маблағларидан самарали фойдаланиш уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади бунда эса ишлаб чиқариш шаклини қисқартириш, маҳсулотнинг сотилмаган зонасини камайтириш ва ҳисоб китобларда молия иқтисодга риоя қилиш йўли билан эришилади.

Фермер хўжаликларининг асосий воситалари ҳаракат стурктураси билан танишиб чиқамиз.

4-жадвал маълумотларидан таълим қиладиган бўлсак шуни аниқ тасаввур қилиш мумкинки, ишлаб чиқариш захиралари ҳам камайиш тенденциясига эга бўлган. Улардан фойдаланиш даражаси 2009 ва 2010 йилларда унумдорлик томонга қараб силжиш бўлишига эришилган. Асосий воситалар фермер хўжаликлари ихтиёрига ўтиб кетганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

4 –жадвал

Хўжаликнинг асосий воситаларининг ҳаракат стурктураси

№	Кўрсаткичлар номи	2008		2009		2010	
		Минг сўм	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%
1	Биолар	134600	8.7	152500	8.7	160110	12.0
2	Иншоотлар	75100	5.6	97960	5.6	31480	2.3
3	Узатиш мосламалари	63100	4.0	59770	3.4	33330	2.5
4	Машина ва жиҳозлар	949930	60.2	1049340	59.6	152920	11.4
5	Транспорт воситалари	308400	19.1	310100	17.6	624750	46.7
6	Кўп йиллик экинлар	19910	1.3	18800	1.1	13200	1.0
7	Капитал харажатлар	3400	0.2	4000	0.2	2330	1.7
8	Бошқа асосий фондлар	14510	0.9	67650	3.8	3195210	22.4
	Жами:	1568950	100	1760120	100	1337640	100

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари

III. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ДЕХҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Ғалла ишлаб чиқарилишининг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари.

Ғалла етиштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий ўзагини ташкил этади. Аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига, чорвачилик тармоғининг омукта озуқаларига бўлган талабини тўла қондириш ғалла ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб қувватлашга ва бу соҳани биринчи даражали вазифага айланишига сабаб бўлди.

Мамлакатнинг ғалла маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун уйда яшаётган ҳар бир жон бошига камида бир тоннадан ғалла етиштириш Республиканинг ғалла мустақиллигига эришиш дастурида ўз ўринини топган.

Республикада ишлаб чиқилган бир тонна ғалланинг 158 кг истеъмолга, 127 кг уруғликка, 600 кг чорва моллари учун озуқага, 115 кг бошқа эҳтиёжларга сарфланиши режалаштирилган. Республикада ғалла муаммосини ҳал қилиш учун юқори агротехника қоидаларига, замонавий уруғчилик тизимига, ерни ўғитлаш усуллариغا ҳосилни ўз муддатларда нес нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб оилшга риоя қилиш лозим. Бунда ғалла етиштирувчи пудратчи, деҳқон ва фермерларга тўла иқтисодий мустақиллик берилиши, ғалланинг давлат томонидан сотиб олиш, баҳоларини тартибга солиш, ғаллани ҳарид қилишда жаҳон тажрибиларидан фойдаланиш энг асосийси, ғалла етиштирувчининг замон талаби даражасида яшаш имкониятларига эга бўлишини таъминлаш шарт.

Аммо ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида етиштирилаётган ғалла, тўла эҳтиёжларни қондира олмаган бир вақтда уни ишлаб чиқаришда ҳам кўплаб долзарб муаммолар тўпланиб қолган. Уларни оқилона ҳал этиш ишлаб чиқарувчиларни моддий манфаатдорлигини ошириш билан бир қаторда истиқболда Республиканинг ғалла мустақиллигига эришиш режасини амалда бажарилишига имконият яратиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг истиқболга мўлжалланган қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурида белгиланган асосий вазифаларда суғориладиган майдонларда яқин келажакда бошоқли ғалла экинларининг ялпи ҳосилини 3.9 млн тоннага етиштириш кўзда тутилган.

Бунга асосан ҳосилдорликни гектар бошига 39 центнерга етказиш ҳисобига эришилади. Лалмикор ерларда ғалла майдон 310 минг гектар ҳаммада сақлаб қолиб, ялпи ҳосилни 278 минг тоннага ҳосилдорликни эса 8-11.5 центнер гектарга етказиш режалаштирилган.

Суғориладиган майдонларда бошоқли ғалла экинларининг ҳосилдорлигини ошиб бориши ҳисобига ғўза орасига экиладиган ғалла майдонлари қискартирилиб борилади. Бошоқли дон экинларининг бир қисми эса сабзавот ва озуқа экинларидан кейин экилиши мўлжалланмоқда. Бундай чора-тадбирлар дон маҳсулотларида ҳосилдорликни камида 9-10 ц/га оширишга имконият яратади.

Ғалла майдонларига экиш олдидан ва экиш билан биргаликда гектарига камида 15-20 тонна органик ўғитлар, 30 кг азотли, 150 кг фосфорли ва 60 кг калийли ўғитлар, вегетация даврида эса, гектарига камида 180 кг азот ўғити билан икки марта озиқлантирилади.

Дон узун маккажўхори экин майдони асосан такрорий экиш ҳисобига 90 минг гектарига ҳосилдорликни гектарига 41 центнерга, ялпи ҳосилни 364.5 минг тоннага етказиш кўзда тутилган.

Республикада ғалла ва ғалла маҳсулотларига бўлган талабни тўла қондиришдек ўнта долзарб вазифаларни илмий жиҳатдан асосланган ечимини топиш мақсадида зарур тадбирлар ишлаб чиқилган, улар жумласига: бошоқли дон экинларини Республикамиз табиий-иқлим шароитига мос келадиган маҳаллий навларини яратиш, бошоқли дон экинлари экиладиган суғориладиган ер майдонларини кенгайтириш, етиштирилган ҳосилни ўз вақтида, кечиктирмай йигиштириб олиш учун қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий техника базасини қайта қуриш ва

мустаҳкамлаш, етиштирилган уруғлик донни сақлаш ва асраш, бошоқли дон етиштиришда моддий манфаатдорликни кучайтириш, иқтисодий имтиёзлар белгилаш ва хусусан оила пудрати асосида ғалла етиштирувчиларга ерни беш йилга ва ундан ортиқ муддатга бириктириб, шартномадан ортиқча етиштирилган ҳосилни тўлиқ ўз ихтиёрида қолдириш ва шу қабилар.

Республика Мустақил бўлганча 80-90 минг тонна ғалла асосан лалмикор ерларда етиштирилган бўлса “Мустақилликдан кейин Жумҳуриятда ғалла мустақиллигига эришиш учун Давлат Дастури”эълон қилингандан кейин 1994 йилда ўртача ҳосилдорлик 14.2 ц/га, ялпи ғалла ҳосили 3 млн.тонна атрофида бўлган бўлса, 2005 йилда ялпи дон ҳосили 6.518 минг тоннани, ундан буғдой 6047 минг тоннани ташкил этган бўлса, 2009 йилда 7.3 млн.тоннадан зиёд дон шу жумладан 6.600 минг тонна буғдой етиштирилган, 3.4 млн.тонна пахта хом ашёси тайёрланди.

Бунга асосан алмашлаб экиш, тупроққа ишлов бериш, ўғитлаш, нав танлаш ва экиш муддатлари, меъёрларига амал қилиш, парвариш қилиш каби чора-тадбирларни бажариш ҳисобига амалга оширилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек ғаллачилик, деҳқончиликнинг етакчи тармоғи ҳисобланади ва алоҳида халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Ўзбекистон аҳолиси истеъмол этадиган озиқ-овқатларнинг хатто каллория ҳамда оқсил ҳисобида олинган дон маҳсулотларининг ҳиссаси 50-60 фоизни ташкил этади.

Ғалла ялпи маҳсулотини кўпайтириш омилларидан оқилона фойдаланиш натижасида суғориладиган ер ресурсларидан фойдаланиш ҳамда ғалла ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг рентабеллик даражаси кўтарилди. Масалан, 2006 йилда давлат буюртмаси асосида сотилган ғалланинг рентабеллиги давлат ва жамоа хўжаликларида мос равишда 48.7 ва 55.1%ни ташкил этади.

Республика бўйича ишлаб чиқариладиган ғалланинг 80-85 фоизини буғдой ташкил қилади.

Истиқболда мамлакат аҳоли жон бошига ўртача 500 кг дан ишлаб чиқариш ғаллачилик тармоғининг социал иқтисодий ҳамда сиёсий самарадорлигини оширади.

Давлат реестридан қуйидаги юмшоқ буғдой навлари ўтган ва туманлаштирилган. Сангзор, Шердор, Ёнбош, Маржон, Сангзор-4, Унумли буғдой, Скифенка, Юна, Спартаика, Интенсив, Бахт ва бошқалар.

Бу навлардан нав синаш участкаларида 40-50 центнердан 80-90 центнергача ҳосил олинган.

Ҳозирги кунда 1ц. ғалла таннархи сўмнинг инфляция коэффицентининг ошиши ҳамда жаҳон бозорида баҳонинг ташкил топиш даражасини ҳисобга олиб, барча турдаги товар ғалла маҳсулотларига давлат харид баҳолари оширилмоқда.

1ц. ғалла таннархи ва унинг сотиш баҳосининг ўсиши ўртасида мутаносибликнинг сақланмаслиги оқибатида таннархга киритилган ҳаражатларнинг рентабеллиги кўпчилик корхоналарда паст даражада ёки улар зарар билан ишлашмоқда.

Юқоридаги келтирилганларга асосланиб ҳўжалигимизда ҳам бу борада катта ишлар амалга оширилмоқдаки, бу билан бизни ҳўжалигимиз ҳам дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янгидан-янги мувофақиятларга эришмоқда.

Бу борадаги фикрларни ушбу малакавий битирув ишимизни ғалла ишлаб чиқариш ва уни самарадорлигини ошириш бўйича ҳўжалигимиз мисолида тўла кўриб чиқишга ҳаракат қилганмиз.

3.2. Фермер ҳўжаликларида ғалла ишлаб чиқаришни ҳозирги ҳолати ва самарадорлиги

Ўзбекистонда суғориладиган ғалла майдонларини кенгайтириш учун унумдорлиги юқори ер ва сув ресурслари чегараланган. Маълумки ғаллачилик ўсимликчиликнинг етакчи тармоғи ҳисобланади ва алоҳида халқ ҳўжалиги аҳамиятига эга. Ўзбекистон аҳолиси истеъмол этадиган озиқ-

овқатларнинг катта калория ҳамда оксил ҳисобига олинган дон маҳсулотларнинг ҳиссаси 50-60 фоизини ташкил этади.

Республикада аҳоли жон бошига нон, вермишель, макарон, гуруч, мош, нўхат, ловия ва бошқа ғалла маҳсулотларидан тиббий меъёрларга нисбатан кўпроқ истеъмол қилинади.

Ғаллачиликнинг қўшимча маҳсулотлари (сомон, пахол, поя ва ҳ.к) дан чорва озукаси, тўшанма, органик ўғит, қоғоз ва бошқа саноат тармоқларида хом-ашё сифатида фойдаланиш ҳам юқори иқтисодий самара беради. Ғаллачиликнинг асосий ва қўшимча маҳсулотларини кўпайтириш ва сотишни ташкил этиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳолини арзон озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун қулай шароит яратади.

Республика шароитида ғаллачиликни барқарор ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш учун даставвал барча турдаги ғалла экинлари ҳосилдорлигини оширишлик реал имконияларидан тўлароқ фойдаланиш зарур.

Бу борада илғор хўжаликларда анча яхши ютуқлар қўлга киритилган. Кейинги йилларда Андижон вилояти суғориладиган майдонларда ўртача ҳосилдорлик гектаридан 80-85 центнерни ташкил этган, илғор фермер хўжаликларида гектаридан 90ц. ва ундан ортиқ буғдой ҳосили олинган. Ғаллачилик соҳаси хўжаликда муҳим ўрин эгаллагани учун ҳам самарадорликни таҳлил этиш шу тармоқ асосида амалга оширилди. Иқтисодий самарадорлик кўпгина кўрсаткичлари орқали ифодаланади. Шулар жумласига ялпи фойда, соф даромад, рентабеллик, ҳосилдорлик каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Шу кўрсаткичлар орқали ғаллачилик самарадорлиги таҳлилини ушбу бўлимда кўриб чиқдик.

Аввало ишлаб чиқариш кўламини, аҳолини сўнгра соҳани фойдаси ва рентабеллигини омилли таҳлил этдик. Хўжаликда ғалла етиштириш 2010 йилда 2008 ва 2009 йилларга нисбатан ошган. Буни қуйидаги 5-жадвалда кўришимиз мумкин.

5-жадвал

Ғалла ялпи ҳосили, экин майдони ва ҳосилдорлиги динамикасини таҳлили

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	Ўзгариши(+;-)	
				2008 йилга нисбатан	2009 йилга нисбатан
Ғалла майдони, га	476,3	478,3	476,3	0	-2
Ҳосилдорлиги, ц/га	38,2	41,4	43,1	4,9	1,7
Ялпи ҳосил, ц	18194,7	19801,6	20528,5	2333,9	726,9

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари

5-жадвалдан кўриниб турибдики, ғалла ялпи ҳосили 2008 йилда 2010 йилга нисбатан 2333,9 ц.га ошган ва 2009 йилга нисбатан эса 726,9 ц.га ошган. Бунинг асосий сабаби ҳосилдорликнинг ўзгаришидир. Экин майдони 2008 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгармасдан қолган, 2009 йилга нисбатан эса 2 га га камайган. Экин майдони ошиши билан ялпи ҳосил 2008 йилга нисбатан 726,9 ц/га ошган. Ҳосилдорликни ўзгариши 2008 йилга нисбатан 4.9 ц/га ўзгарган. 2008 йилда 38.2 ва 2010 йилда 43.1 центнерни ташкил қилган. 2009 йилга нисбатан 1.7ц/га ошган. Бу эса ўз навбатида ялпи ҳосилни 20528,5 ц/га ошишига сабаб бўлган. Ушбу ҳисоб китоб натижасини қуйидаги 6-жадвалдан кўришимиз мумкин.

Ғалла ялпи ҳосилининг омилли таҳлили

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йил 2008 йилга нисбатан ўзгариши			2010 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариши		
				Жами	Майдон	Ҳосилдорлик	Жами	Майдон	Ҳосилдорлик
Ғалла майдони, га	476,3	478,3	476,3	0	х	х	-2	х	х
Ҳосилдорлиги, ц/га	38,2	41,4	43,1	4,9	х	х	1,7	х	х
Ялпи ҳосил, ц	18194,7	19801,6	20528,5	2333,9	0,0	2333,9	726,9	-82,8	809,7

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари

Хўжалик бўйича ғаллани сотишдан олинган фойда динамикасининг тахлили.

Кўрсаткичлар	2009	Шартли кўрсаткичлар	2010	Ўзгариши (+;-)	Шу жумладан	
					миқдор хисобига	баҳо хисобига
Сотилган ғалла миқдори,ц	19801,6	20528,5	20528,5	726,9	х	х
1 ц. ғалла баҳоси,сум	22330	22330	23500	1170	х	х
Жами пул тушуми,м/с	442170	458401	482419,8	40250,0	16231,7	24018,35

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари

Хўжаликда етиштирилган ғалланинг кўп қисми, яъни деярли ҳаммаси сотилган ғалла сотихидан 2010 йилда 482419,8 минг сўм, 2009 йилда эса 442170 минг сўм даромад олган, яъни пул тушуми 40250 минг сўмга ошган. Бу эса ўз навбатида ғалла миқдори билан сотиш баҳосини таъсири остида келиб чиққан(7-жадвал).

Сотилган ғалла миқдори 19801,6 центнердан 20528,5 центнерга ғалла кўп сотилган, натижада пул тушуми 16231,7 минг сўмга ошган. Ўртача сотиш баҳоси 22330 сўмдан 23500 сўмга кўтарилган, яъни баҳо 1170 сўмга ошган. Баҳони ошиши туфайли пул тушими 24018,35 минг сўмга ошди. Шундай қилиб пул тушумини ошиши асосан сотилган ғалла миқдорининг ошиши ҳисобига содир бўлган. Баҳони ошиши оқибатида хўжалик ялпи фойдасининг кўпайишига ҳам ижобий таъсир қилади. Буни биз қуйида фойданинг таҳлили қисмида кўриб чиқамиз(8-жадвал).

Самарадорликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб фойда ҳисобланади. Ғаллачилик хўжаликда фойдали соҳадир. 2010 йилда ғалла сотишдан хўжалик 75339,6 минг сўм фойда олган бўлса, 2009 йилга нисбатан 8421,2 сўмга камайган. Буни ва унинг омилли таҳлилини қуйидаги 8-жадвалда кўриш мумкин.

8-жадвалдан кўриниб турибдики ғалла сотишдан олинган жами фойданинг ўзгариши уч омил ҳисобига содир бўлган, шундлан биринчи ва иккинчи омил ижобий, учинчи омил салбий таъсир қилган. Ушбу омилларни фойданинг ўзгаришига таъсирини “кўрсаткичлар фарқи” усулидан фойдаланиб аниқладик. Буни қуйида келтирдик.

8 -жадвал

Хўжалик бўйича ғаллани сотишдан олинган фойда динамикасининг таҳлили

Кўрсаткичлар	2009	2010	Ўзгариши (+;-)	Шу жумладан ўзгариши		
				миқдор ҳисобига	баҳо ҳисобига	таннарх ҳисобига
Сотилган ғалла миқдори,ц	19801,6	20528,5	726,9	x	x	X
1 ц. ғалла баҳоси,сўм	22330	23500	1170	x	x	X
1 ц. ғалла таннархи,сўм	18100	19830	1730	x	x	X
1 ц ғаллани сотишдан олинган фойда,сўм	4230	3670	-560	x	x	X
Жами фойда,минг сўм	83760,8	75339,6	-8421,2	3074,8	24018,3	35514,3

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2010 йилда давлатга 20528,5 ц ғалла сотилган бўлиб, 2009 йилга нисбатан 726,9 ц.га ошган. Давлатга сотилган ғалла миқдорининг 726,9 ц.га кўпайиши натижасида ғалла сотишдан олинган жами фойда 3074,8 минг сўмга кўпайган. Ўртача сотиш баҳосининг 1170 сўмга ошиши натижасида жами фойда суммаси 24018,3 минг сўмга ошган, аммо таннархнинг ошиши фойдага салбий таъсир қилди, 1ц.ғалла таннархи 18100 сўмдан 19830 сўмга кўтарилиб, у 1730 сўмга ошган, натижада ғаллани сотишдан олинган жами фойда 35514,3 минг сўмга камайган. Шундай қилиб асосан жами фойдани ошиши махсулот миқдорини ошиши ва баҳонинг ошиши ҳисобига бўлган. Агар таннарх 2009 йил даражасида ўзгармасдан қолганда ялпи фойда 75339,6 минг сўм ўрнига 110853,9 минг сўмга ошган бўлар эди.

9-жадвал

Ғаллачилик рентабеллиги таҳлили

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2010 йил	
				2008 йилга нисбатан	2009 йилга нисбатан
1 ц. ғалла сотиш баҳоси,сўм	21110	22330	23500	2390	1170
1 ц. ғалла таннархи,сўм	15249	18100	19830	4581	1730
1 ц. ғалла фойдаси,сўм	5861	4230	3670	-2191	-560
Рентабеллик %	38,4	23,4	18,5	-19,9	-4,9

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари

9-жадвалдан кўриниб турибдики, ғалла етиштириш рентабеллиги 2010 йилда 2009 йилга нисбатан камайган. 2008 йилда рентабеллик даражаси 38,4 фоизни ташкил қилган. Демак 1 сўмлик қилинган харажатга 38,4 тийинлик

даромад олинган. 2009 йилга келиб, рентабеллик даражаси 23,4 фоизни ташкил қилган, демак 1 сўмлик харажат ҳисобига 23,4 тийинлик даромад олган. 2010 йилда рентабеллик 2009 йилга нисбатан 4,9 фоизга камайган. Бу асосан таннархнинг ошиши ҳисобига содир бўлган. Биз рентабелликни омилли таҳлилини 2009-2010 йиллар мисолида кўрдик. Буни қуйидаги 10-жадвалдан кўришимиз мумкин.

Рентабеллик даражаси ўзгариши икки омил ҳисобига содир бўлган. Ушбу омилларнинг таъсирини “Занжирли боғланиш” усулидан фойдаланиб амалга оширдик, шунинг учун учта боғланиш кўрсаткичи аниқлаб олинди:

1. 2009 йилдаги рентабеллик даражаси. Буни аниқлаш учун шу йил фойдасини шу йилдан сотилган маҳсулот таннархига бўлинди. У қуйидагича:

$$R^0 = \frac{P^0 - Z^0}{Z^0}$$

Бунда: P^0 - 2009 йилдаги 1ц.ғаллани баҳоси

Z^0 - 2009 йилдаги 1ц.ғаллани таннархи

$P^0 Z^0$ - 2009 йилдаги 1ц.ғаллани фойдаси

2.Шартли рентабеллик даражаси. Буни қуйидагича кўриш мумкин.

$$R_{ш} = \frac{P_1 - Z_0}{Z_0}$$

Бунда: P_1 - 2010 йилдаги 1ц.ғаллани баҳоси

$P_1 Z_0$ – шартли фойда

Демак шартли даражаси 2009 йилдаги таннархига бўлиш орқали шартли рентабеллик даражаси аниқланади.

Ғаллачилик рентабеллиги омилли таҳлили

Кўрсаткичлар	2009	2010 йил баҳоси ва 2009 йил таннархи бўйича	2010	Ўзгариши (+;-)	Шу жумладан ўзгариши	
					баҳо ҳисобига	таннарх ҳисобига
1 ц. ғалла сотиш баҳоси,сум	22330	23500	23500	1170	х	х
1 ц. ғалла таннархи,сўм	18100	18100	19830	1730	х	х
1 ц. ғалла фойдаси,сўм	4230	5400	3670	-560	х	х
Рентабеллик %	23,4	29,8	18,5	-4,9	6,5	-11,3

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари

3.2010 йилдаги рентабеллик даражаси.

$$R_1 = \frac{P_1 - Z_1}{Z_1}$$

Бунда: Z_1 - 2010 йилдаги 1ц.ғаллани баҳоси

P_1 Z_1 – 2010 йилдаги 1ц.ғаллани фойдаси

Шартли рентабелликда 2009 йил рентабелликни айириш орқали баҳолаш рентабеллик даражаси таъсири аниқланади.

$$\frac{P_1 - Z_0}{Z_0} - \frac{P_0 - Z_0}{Z_0} = {}^{+}B_p$$

2010 йил рентабеллигидан шартли рентабелликни айириш орқали таннархнинг рентабеллик даражасини ўзгаришига таъсири

$$\frac{P_1 - Z_1}{Z_1} - \frac{P_1 - Z_0}{Z_0} = {}^{+}B_7$$

Икки омилнинг таъсирини йиғиндиси рентабеллик даражасини умумий ўзгаришига тенглаштирилади.

10-жадвалдан кўриниб турибдики рентабеллик даражаси 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 4.9%га камайган. Бу ўзгаришга баҳо ижобий, таннарх салбий таъсир қилган. 1ц.ғаллани ўртача сотиш баҳоси 2010 йилда 23500 сўмни ташкил қилиб 2009 йилга нисбатан 1170 сўмга ошган. Бу ошиш ўз навбатида ғаллачилик соҳасининг рентабеллегини 6,5 фоизга ошишига олиб келган, аммо таннархнинг қийматлашиши рентабелликни пасайтирган. 1ц.ғаллани ўртача таннархи 2009 йилдаги 18100 сўм ўрнига 2010 йилда келиб 19830 сўмни ташкил қилиб у 1730 сўмга қимматлашган, натижада ғаллачилик рентабеллиги шу омил ҳисобига 11,3 фоизга пасайган.

Демак рентабелликни ошириш учун таннархни пасайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш зарур.

3.3. Инқирозга қарши чоралар дастурини изчил амалга ошириш хўжаликнинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосидир

Президентимиз Ислом Каримов “Жаҳон–молиявий иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига баҳо берар экан, ушбу ҳолатдан чиқиб кетишни ва унинг оқибатларига рақобат қила олишнинг бирдан-бир йўли иқтисодиётнинг барча жабҳаларида, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ини янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг тадбиқ этиш эканлигини бир неча бор таъкидлаган.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник жиҳатдан замонавийлаштириш учун илмий тадқиқот ишларни яхшилаш ва илмий таъминот тизимини янада такомиллаштириш зарур. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бошланган даврданоқ аграр соҳани илмий таъминоти бир қатор муаммоларга дуч келишдан катъий назар соҳани ривожлантиришга қаратилган кўплаб илмий ечимлар амалиётга жорий этилгани, ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу илмий ечимлар аввало аграр соҳани бозор муносабатларига мослаштириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш сифатини ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, пировард натижада маҳсулот таннархи ҳамда рентабеллигини кўтариш эвазига аҳоли даромадини босқичма-босқич юқори даражага олиб чиқишга қаратилди.

Жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини Республикамизда камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун ҳукуматимиз томонидан кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида фермер хўжаликлари экин майдонлари оптималлаштирилмоқда. Фермер хўжаликлари бугунги кунда қишлоқда етакчи бўғинга айланган.

Фермер хўжалиги – ўзига танлов асосида ижара шартномасига кўра узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидаг фойдаланган ҳолда

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши юртимиз тадбиркор–деҳқонларининг ерда фаолият юритиб фойда орттиришига бўлган ишончини оширди ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мустақил етиштириб, эркин нархда сотиш имконини берди. Бу имкониятлар билан бирга аксари тадбиркор–деҳқонлар фермер хўжалиги таркибида бошқа турдаги ишлаб чиқариш ва бизнес шакллари билан самарали шуғулланишига кенг шароит яратилиб, ижтимоий турмушнинг яхшиланишига олиб келди.

Фермер хўжаликлари ташкил этилишининг энг катта ютуқларидан яна бири шунда бўлдики, деҳқон режани бажариш учун эмас, балки, қанчалик сифатли ва рақобатбардош маҳсулот етиштириш юқори самара беришини тушуниб, ўз ерида меҳр билан меҳнат қилишига ва мулкани кўз қорачиғидек асрашига туртки бўлди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тармоқларида бозор муносабатларининг ривожланиб бориши, ишлаб чиқаришда бозор қонунлари устиворлиги таъминланиши шароитида, фақатгина ердан самарали фойдаланишни йўлга қўйишнинг уддасидан чиққан қишлоқ тадбиркорлигини бозорда хўжалик юритиш имконига эга бўладилар.

Тажрибалар фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг модернизациялаш негизида барқарор ривожланишини, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларини ҳал қилишни талаб этмоқда.

Мазкур чора-тадбирларни амалиётда жорий этиш Республикамиз аграр соҳасини қолаверса, унинг умумий иқтисодиётига жоҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсирининг олдини олади ҳамда қишлоқ хўжалигини янада юқори поғонага кўтарилишига муҳим замин яратиб, иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожланишига кенг имконият яратади.

Президентимиз ўз асарларида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг энг устивор вазифаларини белгилаб олишда жаҳон

иқтисодий инқирозининг таъсири ва оқибатларини етарлича тўлиқ ҳисобга олиш қанчалик экани ҳақида тўхталиб ўтдилар. Дунёнинг нуфузли экспертлари томонидан билдирилаётган фикрларга кўра, бу инқироз 2009 йилда ва 2010 йилда ҳам давом этиши ва эҳтимол янада чуқурлашиши кутилмоқда.

Мазкур жараённинг мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳар томонлама ва жиддий баҳоланган ҳолда Президентимиз “Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши бўлиб қолади” деб белгилаб бердилар.

Бугунги кунда мамлакатимизни, вилоятимизни, туманимизни, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур уйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тусиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Ўзбекистонда, вилоятимиз ва туманимизда ҳам молиявий инқирознинг олдини олиш борасида иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларини ҳисобга олиб, инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киритилган эди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини катъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида комиссия ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим Фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Юқоридагиларни

изчил амалга ошириш юзасидан кўплаб Фармонлар қабул қилиндики уларда, кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш изчил ва ҳар томонлама илмий асосда белгилаб берилган.

Президентимиз ўз асарларида инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Жумладан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннарзини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг ракобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширилишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайт этиш лозим. Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлган тадбирлар белгилаб берилган. Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан хўжалигимизда ҳали маълум тадбирлар, ишлаб чиқилмоқда, натижада улар ўзини оқламоқда. Қолаверса хўжаликларни оммалаштириш мақсадида ҳозирги кунда кенг миқёсли ишлар ҳам олиб борилмоқдаки буларнинг барчаси ҳукуматимиз Президентимиз Ислон Каримов олиб бораётган сиёсатининг нақадар изчил, ҳалқпарварлигидан далолат беради.

IV.ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ОПТИМАЛ ТАРКИБИНИ АНИҚЛАШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

4.1.Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда экин майдонларининг таркиби ва алмашлаб экишнинг ўрни

Фермер хўжаликларида ер ҳудудларини ташкил қилиш дейилганда ер майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади, бу тадбирни ер тузиш ишларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Давлат ер тузиш ишларини ўтказиш орқали ер муносабатларини ҳам қилиш билан бирга ердан оқилона, умуман фойдаланиш тадбирларини ҳам белгилайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер ҳудудларини ташкил қилиш дейилганда ер майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади. Бу тизим қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташқи чегараларини ички бўлимларининг чегараларини қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибини белгилаш ва ишлаб чиқариш марказлари, аҳоли яшайдиган қишлоқлар, мелиорация ва йўл шаҳобчаларини ҳамда бошқа коммуникацияни жойлаштириш, хўжаликни сув билан таъминлаш манбаларини аниқлаш тадбирларини ўз ичига олади.

Экин майдонлар таркиби деб, жами экин майдонида, айрим турдаги экинлар майдонининг тутган салмоғига айтилади. Экин майдонлар таркиби фақат агротехник тадбир бўлиб қолмай, балки энг муҳим ташкилий-иқтисодий тадбир ҳамдир. Экин майдонларининг таркиби қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим;

- а) тупроқ унумдорлигини барқарор ошириш
- б) корхонанинг ўзаро мақсадга мувофиқ уйғунлаштириш.

Алмашлаб экиш дейилганда экинларнинг йиллар давомида маълум далаларда режали тартибда навбатчи билан алмашлаб турилишини

ташкилий-иқтисодий жиҳатдан асослаш тушунилади. Алмашлаб экиш кенг маънода деҳқончилик маданиятини асосини ташкил қилади. У ҳам агротехник ҳам ташкилий иқтисодий тадбирларни ўз ичига олади. Ташкилий-иқтисодий жиҳатдан алмашлаб экиш ердан, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг энг асосий шарти корхона фаолиятини дарамодли бўлишининг негизидир.

Алмашлаб экиш асосан уч типга бўлинади: далачилик, ем-хашак (ферма олди); махсус.

1.Далачилик алмашлаб экиши, энг кўп тарқалган бўлиб, дон экинлари, картошка, лавлаги, мойли, техник ва бошқа дала экинлари етиштиришда қўлланилади.

2.Ем-хашак типдаги алмашлаб экиш, чорвачиликнинг зарур озуқа талабини қондиришга йўналтирилган бўлиб, ҳар хил озуқа экинларини етиштириш учун мқлжалланади.

3.Махсус алмашлаб экишда, сабзавот экинлари, тамаки-махорка ва бошқа техника экинлар етиштирилади.

Марказий Осиёнинг суғориладиган ерларида ғўза, асосий экин ҳисобланади. Шунинг учун суғориладиган умумий майдоннинг камида 65-70 фоизини ғўза, қолган 30-35 фоизини ем-хашак, озиқ-овқат экинлари ташкил этиши керак. Ем-хашак экинларини ичида беда, йўнғучқа етакчи ўринни эгаллайди.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида алмашлаб экишнинг маълум тизими қўлланилади. Экинлар далаларда схемада белгиланган тартибда тўла жойлашиб бўлгандагина алмашлаб экиш ўзлаштирилган ҳисобланади. Экинларни алмашлаб экиладиган далаларда белгиланган далаларда бир марта алмашиб чиқиш даври ротация даври дейилади.

9 далали алмашлаб экиш схемасида бир ротация даври 9 йилга тенг бўлади.

Алмашлаб экишга иқтисодий жиҳатдан баҳо беришда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

-алмашлаб экиш жорий этилган майдоннинг ҳар бир гектаридан олинадиган маҳсулот миқдори (натура ва пул ифодасида)

-меҳнат унумдорлиги даражаси;

-маҳсулот таннарни ва рентабеллиги;

-ишлаб чиқаришнинг даврийлик даражаси ва даврлар бўйича меҳнат харажатларининг тақсимланиши;

-алмашлаб экишнинг у ёки бу схемасини ўзлаштириш ва қўллаш билан боғлиқ бўлган капитал сарфлари ва уларни қоплаш муддатлари.

Экинлар ҳосилдорлигини режалаштириш энг мураккаб ва шу билан бирга энг асосий ва зарур кўрсаткич ҳисобланади. Чунки ҳосилдорлик, ишлаб чиқаришнинг барча ўзига хос бўлган хусусиятларини, уларни экинга таъсирини ўзида мужассамлаштиради.

Бундан ташқари ҳосилдорликка таъсир этувчи омилларнинг ҳар бири, ўзи алоҳида таъсир этмасдан, балки ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирган ҳолда таъсир этгандагина юқори натижа беради.

Бунда энг асосий ҳал қилувчи омил меҳнатдир. Бошқа ҳамма омиллар шу меҳнатнинг унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Экинлар ҳосилдорлигини унга таъсир этувчи энг асосий омилларни ҳисоблаб чиқиш орқали режалаштириш мумкин. Илмий тадқиқот институтлари маълумотларига кўра деҳқончиликда экинлар ҳосилдорлигининг ўсишининг 50 фоизи минерал ўғитлар ҳиссасига тўғри келар экан.

Пахтачиликда ернинг табиий унумдорлиги гектар бошига, ўртача 12-14 центнер ҳосил олишни таъминлайди. Қолган ҳосил яъни қўшилган ҳосил ерга қўшимча меҳнат ва маблағ сарфлаш натижасида меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига етиштирилади. Келтирилганларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида айниқса унинг деҳқончилик тармоғида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини яратиб беради ва унга асос бўлади.

4.2. Фермер хўжаликларида экин майдонлари таркибини оптималлаштиришда иқтисодий-математик моделларни қўллашнинг самарадорлиги

Фермер хўжаликларида максимал деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш биринчи навбатда уларда ер ҳудудларидан фойдаланишни ташкил этишга боғлиқдир. Фермер хўжаликларида ер ҳудудларини ташкил қилиш дейилганда ер майдонларидан мақсадга мувофиқ ёки бошқача айтганда оптимал фойдаланишни таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими тушунилади. Бу тизим қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташқи чегараларини, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибини белгилаш, ишлаб чиқариш марказлари, аҳоли яшайдиган қишлоқлар, меллорация ва йўл шаҳобчаларини ҳамда бошқа коммуникацияларни жойлаштириш, хўжаликни таъминлаш манбаларини ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалигида ер ҳудудини ташкил қилиш, ер тузиш ишларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ердан фойдаланишни ташкил қилишда қуйидаги шартлари қатъий риоя қилиш талаб этилади, жумладан, ернинг давлат мулки эканлигини тўла эътироф этиш ва ундан фақат белгиланган мақсадлар учун фойдаланиш; ерни фойдаланувчиларга узоқ муддатга ёки муддатсиз фойдаланишга бериб қўйиш орқали ердан фойдаланишни доимийлигини таъминлаш, ер ҳудудини тез-тез ўзгартириб туришга йўл қўймаслик ва шунга ўхшашлар.

Экин майдонларининг таркиби қуйидаги талабларга жавоб бериш лозим, жумладан тупроқ унумдорлигини барқарор, мунтазам ошириш; корхонанинг ўзаро мақсадга мувофиқ уйғунлаштириш. Шунинг учун экин майдонларининг самарали таркибининг асосий вазифаси қуйидагилар: экинзорларнинг юқори унумдорлигига эришиш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича шартнома ва буюртма топшириқларини бажариш ҳамда хўжалик ички эҳтиёжларини қондириш учун зарур миқдорда маҳсулот етиштириш ва унинг юксак даромадлилигини таминлашдан иборатдир. Экин майдонлари талабига кўра алмашлаб экиш тизими белгиланади.

Оптимал алмашлаб экишни танлаш масаласини фермер хўжаликлари мисолида иқтисодий математик моделини ва масаласини қўйилишини қуйидагича таърифлаш мумкин. Алмашлаб экиладиган экинлар ҳар бирининг майдони шундай таъминланадики, фермер хўжаликларининг оладиган маҳсулоти қиймат (пул) ифодасида максимал бўлсин.

Бунинг учун қуйидагича белгилашларни киритамиз: k -алмашлаб экиш индекси ($k=1, n$); k_k - k -алмашлаб экишга ажратиладиган майдон; j -экинлар индекси ($j=1, m$); t -экинлар гуруҳи бўлиб ($t=1, t$) дир. i -ресурслар индексини билдириб унинг қабул қиладиган қийматлари ($i=1, i$) I_t -гуруҳдаги экинлар тўплами;

V_{jk} -эса j -экиннинг k -алмашлаб экишдаги улуши, шу билан бирга $E_{Vjk}=1$, $0 < V_{jk} < 1$ бўлиши лозим. C_{jk} - j -экиннинг бир гектарини k -алмашлаб экишда ишлов бериш самарадорлиги B_i - I турдаги мавжуд ресурслар ўлчами, ҳажмини билдиради. a_{ij} - i -ресурснинг j -экин бир гектарига меъёрий сарфини ифодаловчи техник иқтисодий коэффициент, at - t -гуруҳ экинлари маҳсулотини етиштиришнинг минимал зарурий ўлчами, қуйи чегарасидир.

V_{jk} - k -экиннинг j -алмашлаб экишдаги ҳосилдорлигини ифодаловчи кўрсаткич. У ҳолда белгиланган, киритилганларга асосан масаланинг иқтисодий-математик моделини қуйидагича ёзиш мумкин бўлади:

Масаланинг иқтисодий-математик моделини тузишда қуйидаги **техник - иқтисодий коэффициентлар** ишлатилади:

- бир гектар экин тури майдонига йил давомида ва тиғиз даврда сарфланадиган меҳнат ресурслари;
- бир гектар экин тури майдонига сарфланадиган минерал ўғитларнинг меъёрий кўрсаткичлари;
- бир гектар экин тури майдонидан олинадиган ҳосилдорлик кўрсаткичлари;
- бир гектар экин тури майдонига қилинадиган ишлаб чиқариш харажатлари;

- бир гектар экин тури майдонидан олинадиган ялпи хосил кўрсаткичлари (натурал холда ёки сўмда);

- бир гектар экин тури майдонидан олинадиган даромад кўрсаткичлари

Экин майдонларинг таркибини оптималлаштиришни таркибий моделини ёзиш учун, қуйидаги белгилашларни киритамиз:

j -экин турлари; $j=1,2,3,...,n$

i - ишлаб чиқариладиган махсулот тури; $i=1,2,3,4,...$

C_{ij} - j -экин тури бўйича 1 га экин майдонидан олинадиган фойда;

x_j - j -экин тури майдони, га;

S - хўжалик бўйича жами экин майдони ;

S_{min} - j -экин тури бўйича ажратиладиган минимал экин майдони ;

S_{max} - j -экин тури бўйича ажратиладиган максимал экин майдони ;

$v_j \min$, $v_j \max$ -айрим экин турларини, умумий майдон йиғиндисига нисбатан, фоизда ифодаланган салмоқини минимал ва максимал кўрсаткичлари;

a_{ji} - j -экин тури учун сарф бўладиган i -чи ишлаб чиқариш ресурсларининг хажми (меъёри);

B_i - i - турдаги махсулот ишлаб чиқариш учун, сарфланадиган мавжуд ресурслари хажми ;

W_{ij} - j - экин турлари бўйича хосилдорлик ;

Qi - i -турдаги махсулот ишлаб чиқаришни кафолатланган хажми ;

b_{ij} - j - экин тури бўйича 1 га майдондан i -махсулотдан олинадиган соф фойда ;

d_{ij} - j - экин тури бўйича 1 га майдонга i -махсулот ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажат ;

Xp - ўзгарувчи, хўжалик бўйича пул тушуми йиғиндиси, $p=n+1$;

Xt - ўзгарувчи,хўжалик бўйича қилинган жами харажатларни йиғиндиси.
 $t=n+2$

Масаланинг мақсад функцияси:

$$Z_{\max} = \sum C_j x_j \quad j=1,2,3,...,n; p=n+1; t=n+2$$

1) Экин майдонлари бўйича чеклашлар:

$$x_j \leq S_j,$$

$$S_{j \min} \leq x_j \leq S_{j \max}$$

2) Умумий экин майдонлари йиғиндисига нисбатан, айрим экин тури майдонларини фоизда ифодаланган салмоғи бўйича чеклашлар гуруҳи,

$$v_{j \min} \leq x_j \leq v_{j \max}$$

3) Мехнат ресурслари бўйича чеклашлар шarti:

$$a_{ij}x_j \leq B_i$$

4) Кафолатланган махсулот ишлаб чиқариш бўйича чеклашлар шarti:

$$W_{ij}x_j \geq Q_i$$

5) Пул тушумини баланси:

$$b_{ij}x_j - x_p = 0,$$

6) Ишлаб чиқариш харажатлари баланси:

$$d_{ij}x_j - x_t = 0$$

7) Ўзгарувчиларнинг манфиймаслик шarti:

$$x_j \geq 0, x_p \geq 0, x_t \geq 0$$

Демак, масаланинг таркибий иқтисодий-математик моделини чеклашлар системаси, қуйидаги тенглама ва тенгсизликлардан иборат бўлади:

- умумий экин майдонлари бўйича, айрим экин майдонларини юқори ва қуйи чегаралари бўйича чеклашлар гуруҳи;
- экин турларига минерал ўғитлар сарфи бўйича чеклашлар;
- қишлоқ хўжалик махсулотларини режаларини бажарилиши бўйича чеклашлар гуруҳи;
- пул тушуми, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда йиғиндисини ифодаловчи чеклашлар гуруҳи.

Ушбу иқтисодий математик моделлар республикада экин майдонларини таркибини оптималлаштиришда қўлланилиши мумкин бўлган моделларнинг жумласига кириб, ундан фойдаланилганда фермер хўжаликларидан янада

кўпроқ деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлайди деб ҳисоблаш мумкин. Юқорида келтирилган таркибий иқтисодий математик моделга асосланиб қўйилган масалани сонли иқтисодий математик модели тузилди ва компьютерда ечилди. Олинган натижаларнинг таҳлили навбатдаги бўлимда келтирилмоқда.

4.3. Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва унинг самарадорлигини таҳлили.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек «Мақсад – қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак»

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги этапдаги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йиғиндисига боғлиқ. Бир томонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озиқ-овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши ва қийинлашиши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари қийматининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради.

Иқтисодий самарадорлик даражаси қандай баҳодаги ресурслар ҳисобига иқтисодий самарага эришилганлигининг билдиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги моҳияти, унинг критерияси ва кўрсаткичлари орқали амалга ошади.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти энг аввало ер ресурслари билан мустаҳкам алоқасини акс эттиради.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқаришининг самарадорлиги тармоқ самарадорлиги бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва

алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш самардорлиги деҳқончилик, чорвачилик ва шу тармоқлар маҳсулотлари – ғалла, пахта, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқаларнинг пировард иқтисодий натижаларини характерлайди.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар тизимининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқариш ресурслар самарадорлигини умумлашган ҳолда акс эттиришдан, унинг мезонининг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади. Хусусий кўрсаткичларга, маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги, ер қайтими, фонд қайтими, материал қайтими, маҳсулот таннархи ва шуларга тескари кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичлар натижа сифатида, саноатнинг хом-ашёга, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини анча тўлароқ қондиришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадини анча тўлароқ акс эттиради. Шунинг учун ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар томонлама ва аниқ баҳолаш учун, алоҳида усулда ҳисобланадиган кўрсаткичларни, ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсининг умумий самарани яратишдаги ролини ва уларнинг ишлаб чиқариш пировард натижасига таъсирини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар билан тўлдириш лозим

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги кўп ва турли туман омиллар ва шароитлар таъсири остида шаклланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммосининг қийинлиги шундан иборатки, бу омиллар бир-биридан алоҳида мустақил ҳаракат қилмайди.

Маълумки, соф даромад ва фойда - икки хил иқтисодий категориядир. Агар соф даромад вужудга келган барча қўшимча маҳсулот қийматини ифодаласа, фойда - товар маҳсулотини сотишдан олинган қисминигина ифодалайди. Соф даромаднинг бир қисми баҳо ва солиқ сиёсати ва ҳар хил

тўловлар орқали давлат ва маҳаллий буюджетларга бориб тушади ва умумхалққ эҳтиёжлари учун ишлатилади. Фойда - сотилган товар маҳсулотидан тушган пул маблағидан шу маҳсулотни тўла ишлаб чиқариш харажатларининг (марказлашган тўловлар ҳам шунга киради) чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳар бир сўм харажатга ва қўлланилган ресурсларга кўпроқ маҳсулот ва фойда олиш демакдир. Бу эса бутун халқ хўжалиги учун ҳам, қишлоқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш хўжаликларнинг даромадининг кўпайишга ва рентабелликнинг ошишига олиб келади. Қанча кўп сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқарилса ва сотилса, ишлаб чиқарувчиларнинг даромад кўпаяди, кўпроқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, меҳнат ҳақини оширишга ва шу кабиларга маблағ ажратилади

Фойда - бу фақат ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топган натижа ҳисобланиб қолмасдан, балки маҳсулотларни сотиш жараёнида эришилган охириги иқтисодий кўрсаткичдир.

Фойда – бу товар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш натижасида олинган соф даромаднинг бир қисми бўлиб, у маҳсулотни сотишдан келган маблағдан – сотилган маҳсулот сарф харажатлари ва ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ёки тўла таннарх қийматини чегириб ташланган қисмига тенг бўлади.

Қишлоқ хўжаликда ишлаб чиқариш рентабеллиги мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда ифодаланади.

Рентабеллик – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ўзида акс эттирувчи умумлашган иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. У фойдаланилган ва истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурслари – меҳнат, ер, сув ва бошқа моддий ресурслар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ҳаракатлари орқали етиштирилган маҳсулотни сотишдан олинган (кўрилган) наф ёкки самара натижаситда ишлаб чиқаришни кенгайтирилган

тарзда ривожлантириш имкониятларини, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан қандай даражада моддий манфаатдор эканликлари ҳолатларини кўрсатади.

Фойда миқдорини кўпайтириш асосида ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш омилларини қидириб топиш, уларни ҳаракатга солиш ва бу асосида ишлаб чиқаришни мунтазам ривожлантиришга эришиш ҳозирги иқтисодий ислохатларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Рентабелликни ошириш омиллари деганда энг аввало фойда омиллари тушинилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг рентабеллик кўрсаткичлари йиллар бўйича оз ёки кўп даражада тебраниб туради, бу ҳолат маҳсулот таннархи ва бахонининг ўзгариши оқибатидадир. Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш имкониятларини аниқлаш, бир томондан маҳсулот сотишдан келган пул тушумини кўпайтириш реал имкониятларни аниқлашга, бошқа томондан- маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишни талаб этади.

Юкорида келтирилганларга асосан ечилган масалани натижаларини таҳлилига қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, масала бир неча вариантларда ечилиб, ишда биз улардан фақат учтасини келтириш ва таққослашни кўриб чиқдик. Энди олдинги айтилган фикримизни давом эттирамыз. Демак, биринчи вариант бўйича номаълумларнинг қўйидаги қийматлари ҳисоблаб топилди(11-жадвал).

Буғдой учун 477,5 гектар, пахта учун 1042,8 гектар, памидор учун 39,8 гектар, сабзавот учун 23,5 гектар, силос учун маккажухорига 19,8 гектар, беда учун 38 гектар, дон учун маккажухорига 17,3 гектар, полиз экинларига 3 гектар экин майдонлари ажратилган. Олинган ечимларни фермер хўжаликларини ҳозирги ишлаб чиқариши билан солиштирганда қўйидагилар кузатилди; пахтага 1040,2 гектар хўжаликда ажратилган бўлса, оптимал вариант бўйича бу экин тури учун 1042,8 гектар экин майдони ажратилган бўлиб, ҳақиқатдагига нисбатан 2,6 гектар ер ортиқ ажратилганлигини

кўрамиз, Бу эса ўз навбатида пахтачилик мамлакатимиз учун муҳимлигини камситмаган ҳолда унинг якка ҳокимлигини бари-бир сақлаб қолган ҳолда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонидан ажратилган ва оширилган.

Ғалла халқимизнинг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини кондириш учун бу экиннинг майдони оширилган, яъни хўжаликда жорий йилда ғалла майдони 476,3 гектар ажратилган бўлса, оптимал вариант бўйича бу экин турига 477,5 гектар ер ажратилган ва 1,2 гектар кўп ер ажратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Сабзавот ва памидор экин майдонларини эса оптимал вариант бўйича қўйидагича бўлган. Сабзавот экин майдони фермер хўжаликлари ҳозирги ишлаб чиқариш структураси бўйича 24,1 гектарни ташкил этган, оптимал вариантда эса бу экин турига ажратилган майдон 0,6 гектарга камайган. Памидор экинига эса хўжаликда 39 гектар ер ажратилган бўлса, оптимал вариантда 39,8 гектар ёки жорий йилга нисбатан 0,8 гектар ортиқ экин майдони ажратилган(12-жадвал).

Фермер хўжаликларини 2010 йил қишлоқ хўжалик йилидаги ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишдан олган ялпи фойдаси 418603,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, математик моделлаштиришни қўллашдан олинган оптимал ечимларнинг I-варианти бўйича бу кўрсаткич 419211,9 минг сўмни, II- варианты бўйича 421109,5 минг сўмни ва нисбатан III - вариантда 420453,3 минг сўм ялпи фойда олиши аниқланган. Ёки хўжаликнинг ялпи фойдасига нисбатан I- вариантда 608,8 минг сўм, II- вариантда 2506,4 минг сўм ва охириги вариантда 1850,2 минг сўм ошиқча фойда олишимиз мумкин бўлади

Энди фермер хўжаликлари етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 1 центнерини сотишдан олинган фойдани ўзгартирмаган ҳолда юқоридаги келтирилган оптимал вариантлар бўйича олинган ялпи ҳосилнинг фойдага ўзгаришини кўрамиз. Буни қўйидаги 13-жадвалдан кўришимиз мумкин. (13-жадвал)

13-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжаликлари жорий йилда маҳсулот сотишдан фойда олган.

Лекин вариантлардаги натижаларни кўрадиган бўлсак махсулот миқдорининг камайиши фойдага салбий таъсир қилган. Масалан сабзаёт экинларини қарайдиган бўлсак, у хўжаликларда жорий қишлоқ хўжалик йилида ҳақиқатда 7058,9 центнер етиштирилган ва сотилган. Оптимал вариантда эса (2- вариантда) 7176,1 ц. сотилган бўлиб, 408,9 минг сўм фойда билан чиққан. Лекин махсулот миқдорини камайиши оқибатида (1 вариантда) эса фойда ҳақиқатдагига нисбатан камайганлигини кўриш мумкин.

Хўжаликда пахта ва буғдой сотишдан фойда олинган, лекин оптимал вариантларда ҳақиқатдагига нисбатан (1, 2 ва 3 вариантлар) хўжаликнинг оладиган фойдаси нисбатан юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Яъни буғдой етиштириш барча келтирилган оптимал вариантларда хўжаликлар учун фойдали соҳа эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Жумладан буғдой сотишдан фермер хўжаликлари жорий йилда 75339,7 минг сўм фойда олган бўлса, 1- вариантда 189,8 минг сўм ошиқча ва 2- вариантда эса 490,3 минг сўм, 3-вариант бўйича 632,7 минг сўм ошиқча фойда олган.

Пахта сотишдан фермер хўжаликлари жорий қишлоқ хўжалик йилида 305531,7 минг сўм ялпи фойда билан чиққан бўлса оптимал вариантларда: 1- вариантда 763,7 минг сўм, 2-вариантда 1439,2 минг сўм ва нихоят 3- вариантда 939,9 минг сўм ортиқча фойда билан чиққан.

Олинган оптимал ечимлар ичида фермер хўжаликлари учун энг макбули сифатида 2-вариантни келтириб ўтиш мумкин. Бу вариант бўйича фермер хўжаликларида жорий йилдагига нисбатан ҳаммаси бўлиб 2506,4 минг сўм ортиқча фойда билан чиққанлигини кўрамиз. Бу вариантда буғдой етиштириш фермер хўжаликларида нисбатан яъни 490,3 минг сўм фойда кўрган бўлса, аслида бутун ўсимликчилик соҳаси бўйича фойда билан яқунланган.

Агарда олинган оптимал вариант ечимларига иқтисодий самарадорлик нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак хўжаликлар учун памидор ва бошқа

турдаги сабзаёт экинларини етиштириш ҳам рентабелли эканлигини куришимиз мумкин.

Оптимал вариантлар бўйича олинган натижаларни таҳлилни қолган экин турлари бўйича келтириб ўтмадик, қолаверса улар ҳақида ҳам юқоридаги гапларни келтириб ўтиш мумкин.

Демак, сотилган махсулот миқдорининг камайиши натижасида, махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси камаяди. Хуллас сотилган махсулот миқдори билан олинган фойда хажмини орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Демак сотилган махсулот миқдори ошса олинган фойда ҳам ошади, камайса – камаяди.

Хўжалик бўйича махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда сўммасининг ўзгариши бевосита тўртта омил ҳисобига юзага келади, улардан биринчиси сотилган махсулотлар физик миқдорининг ўзгариши ҳисобига, иккинчиси, сотилган махсулотлар структурасининг ўзгариши ҳисобига, учинчидан, махсулот бирлигини (1 ц. махсулотнинг) ўртача сотиш баҳосини ўзгариши ҳисобига ва туртинчидан, махсулот бирлигининг (1 ц. махсулотнинг) ўртача ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши ҳисобига.

Демак айтиш мумкинки, фойда микро ва макроиктисодиётнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичидир. У қанча кўп бўлса, фермер хўжаликларини молиявий ахволи шунча мустаҳкам бўлади. Фойда ошиб борган сари ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш яхшиланиб боради, натижада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ривожлантириш, моддий манфаатдорликни ошириш каби жараёнлар ўсиб боради. Шунинг учун фойда хажмини омилли таҳлилни узлуксиз ташкил этиш зарур. Бу эса ўз навбатида мавжуд имкониятларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни белгилайди.

V. ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

Ҳозирги вақтда инсон-табиий, техник, иқтисодий ва бошқа ҳар хил хавф-хатар дунёсида ишлайди. Шу хавф-хатарлар натижасида жуда кўп инсонлар ҳаётдан кўз юмадилар.

Меҳнат ва фаолият шакллари турлича бўлиб улар ҳаётда учрайдиган ақлий, маънавий, маданий, илмий ва бошқа жараёнларни ўз ичига олади.

Ишчиларни хавфли ва зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дастлабки материаллар ярим маҳсулотлар ва чиқинди ишлаб чиқариши билан бевосита алоқасини йўқотиш, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд жойларни комплекс автоматлаштириш ҳамда механизациялаш, технологик жараёнларда назорат ва бошқариш тизимини ўрнатиш даркор. Бу ишловчиларнинг химоясини ва ишлаб чиқариш жараёнларининг авария ҳолатда ўчирилишини таъминлайди.

Ишлаб чиқаришда ишлашга рухсат этилган шахсларнинг физик имкониятларини ва меҳнат хусусиятларини ҳисобга олиш шарт.

Машина ва трактор ёеи агрегатда авария ҳолатидаги иш режимида мўлжалланган химоя қурилмалари бўлмаса, бундай машина ишга яроқли эмас деб ҳисобланади.

Хавфсизликни таъминлаш йўллари кўп. Уларни белгиларга қараб бир неча синфларга ажратиш мумкин, масалан, юналтирувчи, техник, ташкилий, бошқарув.

а) йўналтирувчи белгилари: аператорнинг фааоллиги; иқтидори, тузилиши тартибсизланиши хавфни камайтириш.

б) техник белгилар: блоклаш; вакуумлаш, герметиклаш; масофа билан химоялаш; маҳкамлаш; тўсиқлар орқали химоялаш ҳаракатларни секинлаштириш.

с) ташкилий белгилари: вақт билан химоялаш; ахборот; захиралаш; мос келмаслик; меъёрлаш; ходимлар танлаш; эргономиклик.

д) бошқарув; мослик; назорат; қарши алоқа; жавобгарлик; режалилик; рахбатлантириш; самарадорлик; бошқариш.

Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши замонавий техника билан жихозланганлиги яъни унинг техника билан ва технологияларнинг такомиллаштириб туриши ишлаб чиқариш жараёнининг интенсиивлашуви програмлаштириш, ҳосилнинг юқори сифат даражасида топшириш билан фарқ қилади. Бунда ишларнинг даврийлиги ва мавсумийлиги, фойдаланилаётган энергиянинг турлича (механик, иссиқлик, электр, ёруғлик ва бошқалар), материал ва моддалар (қаттиқ, суюқ, газсимон)нинг ҳар хиллиги йиғиштирилаётган ҳосилнинг об-ҳаво ва бошқа сабабларга боғлиқлигини, меҳнат шароитларини меъёрлаштиришда ҳисобга олиш керак.

Меҳнат муҳофазаси бўлиши ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мутахассисликга тегишли асосий назарий қисмини ўрганади. Аниқ муаммолар, транспорт воситалари технологик жараёнлар, иш турлари, чорвачилик, бино ва иншоотлар учун хавфсизликни таъминлаш. Ҳар бир фаннинг мутахассислик курсларида берилади. Ҳар қандай хўжаликга корхоналарга етказиб бериладиган ҳар қандай қишлоқ хўжалиги машинаси, агрегати, механизм ва ускуналари бахтсиз ходисаларнинг олдини оладиган замонавий химоя воситалари билан жихозланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистонда аграр ислохатлар жараёнида ердан фойдаланишни бошқариш бўйича янги ҳуқуқий асослар яратилди. Фермер хўжаликларида ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ер ресурсларидан унимли фойдаланиш ва уни самарадорлигини оширишни биринчи навбатта экин майдонларини таркибини оптималлаштириш, бугунги куннинг муҳим, долзарб вазифалари эканлигидан келиб чиқиб, қолаверса биз изланиш олиб борган фермер хўжаликлари ҳам шу тоифага мансублигидан, пировардда юқорида қўйилган иқтисодий масалани математик усуллар, моделлар ёрдамида ечишдан олинган натижалар ҳамда шу ҳудудда кўп йиллардан буён яшаб ва ишлаб келиш мобайнида тўпланган тажрибаларга асосланиб шахсий фикрлар, мулохазаларимизни келтириб ўтишни лозим топдик.

Маълумки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини максимал даражада ишлаб чиқаришнинг асосий манбаларидан бири бу ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади, қолаверса бу муаммо ҳар доим ҳам долзарб бўлиб қолаверади.

Демак биз бевосита ана шу масаланинг моҳиятини фермер хўжаликлари мисолида очиб беришга имкониятимиз чегарасида ҳаракат қилдик, ҳамда айрим ижобий натижаларга эришдик. Шулардан келиб чиқиб, қўйидаги хулоса ва таклифларни келтириб ўтмоқчимиз:

-қишлоқ хўжалигини ислох қилишга қаратилган ҳукуматимиз фармон ва қарорлари ҳамда Республикамиз раҳбарияти томонидан соҳага берилаётган доимий эътибор, иқтисодий имтиёзлар, фан техника ютуқлари, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга, жорий этиш ҳар бир фермер хўжаликлари раҳбарларининг кундалик иши бўлиши билан бирга бу омиллар фермер хўжаликларини ривожлантиришни мувоффақият гарови ҳам бўлмоғи зарур деб ҳисоблайми;

- фермер хўжаликларининг 2010 йилдаги экин майдонларининг таркибига эътибор қаратадиган бўлса, яъни вариантлар Буғдой учун 477,5 гектар, пахта учун 1042,8 гектар, памидор учун 39,8 гектар, сабзавот учун 23,5 гектар, силос учун маккажухорига 19,8 гектар, беда учун 38 гектар, дон учун маккажухорига 17,3 гектар, полиз экинларига 3 гектар экин майдонлари ажратилган(11-жадвал). Олинган ечимларни фермер хўжаликларини ҳозирги ишлаб чиқариши билан солиштирганда қўйидагилар кузатилди; пахтага 1040,2 гектар хўжаликда ажратилган бўлса, оптимал вариант бўйича бу экин тури учун 1042,8 гектар экин майдони ажратилган бўлиб, ҳақиқатдагига нисбатан 2,6 гектар ер ортиқ ажратилганлигини кўрамиз, Бу эса ўз навбатида пахтачилик мамлакатимиз учун муҳимлигини камситмаган ҳолда унинг яқка хоқимлигини бари-бир сақлаб қолган ҳолда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонидан ажратилган ва оширилган. Ғалла халқимизнинг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун бу экиннинг майдони оширилган, яъни хўжаликда жорий йилда ғалла майдони 476,3 гектар ажратилган бўлса, оптимал вариант бўйича бу экин турига 477,5 гектар ер ажратилган ва 1,2 гектар кўп ер ажратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Сабзавот ва памидор экин майдонларини эса оптимал вариант бўйича қўйидагича бўлган. Сабзавот экин майдони фермер хўжаликлари ҳозирги ишлаб чиқариш структураси бўйича 24,1 гектарни ташкил этган, оптимал вариантда эса бу экин турига ажратилган майдон 0,6 гектарга камайган. Памидор экинига эса хўжаликда 39 гектар ер ажратилган бўлса, оптимал вариантда 39,8 гектар ёки жорий йилга нисбатан 0,8 гектар ортиқ экин майдони ажратилган(12-жадвал).

Фермер хўжаликларини 2010 йил қишлоқ хўжалик йилидаги ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишдан олган ялпи фойдаси 418603,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, математик моделлаштиришни қўллашдан олинган оптимал ечимларнинг I-варианти бўйича бу кўрсаткич 419211,9 минг сўмни, II- варианты бўйича 421109,5 минг сўмни ва нихоят III - вариантда 420453,3 минг сўм ялпи фойда олиши

аниқланган. Ёки хўжаликнинг ялпи фойдасига нисбатан I- вариантда 608,8 минг сўм, II- вариантда 2506,4 минг сўм ва охириги вариантда 1850,2 минг сўм ошиқча фойда олишимиз мумкин бўлади.(13-жадвал)

Энди фермер хўжаликлари етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 1 центнерини сотишдан олинган фойдани ўзгартирмаган ҳолда юқоридаги келтирилган оптимал вариантлар бўйича олинган ялпи ҳосилнинг фойдага ўзгаришини кўрамиз. Буни қўйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин. (13-жадвал)

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжаликлари жорий йилда маҳсулот сотишдан фойда олган.

Лекин вариантлардаги натижаларни кўрадиган бўлсак маҳсулот миқдорининг камайиши фойдага салбий таъсир қилган. Масалан сабзаёт экинларини қарайдиган бўлсак, у хўжаликларда жорий қишлоқ хўжалик йилида ҳақиқатда 7058,9 центнер етиштирилган ва сотилган. Оптимал вариантда эса (2- вариантда) 7176,1 ц. сотилган бўлиб, 408,9 минг сўм фойда билан чиққан. Лекин маҳсулот миқдорини камайиши оқибатида (1 вариантда) эса фойда ҳақиқатдагига нисбатан камайганлигини кўриш мумкин. (13-жадвал)

Хўжаликда пахта ва буғдой сотишдан фойда олинган, лекин оптимал вариантларда ҳақиқатдагига нисбатан (1, 2 ва 3 вариантлар) хўжаликнинг оладиган фойдаси нисбатан юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Яъни буғдой етиштириш барча келтирилган оптимал вариантларда хўжаликлар учун фойдали соҳа эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Жумладан буғдой сотишдан фермер хўжаликлари жорий йилда 75339,7 минг сўм фойда олган бўлса, 1- вариантда 189,8 минг сўм ошиқча ва 2- вариантда эса 490,3 минг сўм, 3-вариант бўйича 632,7 минг сўм ошиқча фойда олган.

Пахта сотишдан фермер хўжаликлари жорий қишлоқ хўжалик йилида 305531,7 минг сўм ялпи фойда билан чиққан бўлса оптимал вариантларда: 1-

вариантда 763,7 минг сўм, 2-вариантда 1439,2 минг сўм ва нихоят 3-вариантда 939,9 минг сўм ортиқча фойда билан чиққан.

Олинган оптимал ечимлар ичида фермер хўжаликлари учун энг макбули сифатида 2-вариантни(13-жадвал) келтириб ўтиш мумкин. Бу вариант бўйича фермер хўжаликларида жорий йилдагига нисбатан ҳаммаси бўлиб 2506,4 минг сўм ортиқча фойда билан чиққанлигини кўрамиз. Бу вариантда буғдой етиштириш фермер хўжаликларида нисбатан яъни 490,3 минг сўм фойда кўрган бўлса, аслида бутун ўсимликчилик соҳаси бўйича фойда билан якунланган.

- ғалла аҳоли учун озиқ-овқат, саноат учун хом ашё, чорва учун ем-хашак манбайи бўлганлиги учун унинг сифатини ошириш керак ва бу орқали ушбу махсулотни сотиш баҳосини оширишга эришилади. Ғаллани сотишдан юқори фойда олиш учун унинг сифатини оширишгина кифоя қилмайди, қачонки ишлаб чиқариш камайса яъни таннарх қанчалик паст бўлса фоизда ҳам шунга қараб ўзгаради.

-1 ц. ғалла сотиш баҳоси 2010 йилда 23500 сўмни ташкил қилган ва ўтган йилга нисбатан 1170 сўмга ошган, таннарх кўрсаткичи ҳам 2010 йил ўтган йилга нисбатан 1730 сўмга ошган. Таннарх 2010 йил ҳам ўтган йилдагидек ўзгармасдан қолганда хўжалик 110853,9 минг сўм фойда олган бўлар эди ва 2009 йилга нисбатан 27093,1 минг сўмга ошган бўлар эди, ўз навбатида ғалла ишлаб чиқаришдаги рентабеллик даражаси ҳам ошган бўлар эди, яъни 29,8 % ни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 6,5 % га ошган бўлар эди.

- фермер хўжаликлари ўз фаолиятларини илмий асосланган экин майдонларини таркибини такомиллаштириш тизимларига амал қиладиган бўлса ҳозирги махсулот ишлаб чиқариш ҳолатини янада ошириш имконияти яратилган бўлади, бунинг негизида фермер хўжаликлари мавжуд ресурслардан фақат мақсадли (оптимал) фойдаланиш ётади;

- ўсимликчиликда келтириб ўтилган самарадорликка эришишда математик моделлар ёрдамида тавсия этилган экин майдонларининг таркибига қатъий амал қилиш мақсадга мувофиқдир;

- фермер хўжаликлари сабзаёт экинларини етиштириш нисбатан самарали соҳа эканлигини инобатга олиб уни тезпишар, транспортда ташишда чидамли навларни яратиш ва экиш ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир;

- памидор етиштириш учун қулай имкониятга эга бўлган фермерларга шароит яратиш, памидор уруғи, янги серхосил навлар билан таъминлашни ташкил этиш;

- сабзаётларни сотиш баҳосини бугунги ҳолатига нисбатан камида икки баробарга оширишга эришиш ва режадан ташқари етиштирилган маҳсулотларни жойларда қайта ишлашни таъминлайдиган кичик корхоналарни ташкил этиш, бунинг учун керакли ташкилотлар ва банклардан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар олишни йўлга қўйишни таъминлаш (эришиш);

- айтилганларга асосан янги иш жойларни ташкил этиш аҳолини бандлигини вақтинча мавсумий бўлсада таъминлашга эришиш.

- фермер хўжаликларида ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ялпи фойдани ошириш учун;

а) экин майдонларини таркибини янада такомиллаштириш ҳисобига ялпи ҳосилни кўпайтириш ва уни хўжаликлар учун кўпроқ фойда берадиган бозор баҳоларида сотиш;

б) маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтиришга эришиш. Мавжуд барча ресурслардан; минерал ва маҳаллий ўғитлар, муқобил МТП, ёқилғи ва мойлаш материаллари, уруғликлар, кўчатлар ва бошқа шу кабилар билан таъминлашни йўлга қўйиш. Уларни хўжаликларга сотиш баҳоларини табақалаштириш зарур. Бу борадаги мутаносибликларга батамом чек қўйиш лозим.

- хўжаликларни кўп тармоқлигини инобатга олиб алмашлаб экишни илмий асосда ташкил этишни йўлга қўйиш, натижада ерни унимдорлигини оширишни таъминлаш зарур;

-бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб фермер хўжаликлари раҳбарлари нафақат танланган бир йўналиш бўйича билиш деҳқончилик, чорвачилик, иқтисодиёт асосларидан етарлича билимларга эга бўлишлари билан бирга ҳозирги авлод компьютерларни ўз фаолиятларига қўллаш асосларидан ҳам етарли даражада билим, кўникма маҳоратларга эга бўлса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

Хулоса сифатида айтиш мумкинки фойда ошиб борган сари фермер хўжаликлари ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш даражаси яхшиланиб боради, натижада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ривожлантириш, халқимизни моддий манфаатдорлигини ошириш имкониятлари яратилади. Бунинг учун хўжаликларимизда фойдани оширишни узлуксиз ташкил этиш зарур. Бу эса ўз навбатида мавжуд имкониятларни аниқлаш, қўшимча резервларни ишга солиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлайди деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва

қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: 08.12.1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. – Т.: 30.04.1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. – Т.: 21.12.1995.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрирда). – Т.: 26.08.2004.

II. Президент асарлари

5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон. 2010.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон. 2009.-56 б.
7. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: Ўзбекистон. 2009.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон. 2005.
9. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 22.01.2011. №16 (5183).
10. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. //Халқ сўзи. 31 январ 2010. №18 (5024).

III. Монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар

- 11.Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. -Т.: Мехнат, 1996.-315 б.
- 12.Алтиев А. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини эркинлаштиришнинг иқтисодий механизми.Монография.-Т.: Фан,2009.-275 б.
- 13.Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю. ва бошқ. С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. Миллий иқтисодда ахборот технологиялари. -Т.: «Шарқ». 2008.-320 бет.
- 14.Беккет М. Фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш. -Т.: Мехнат, 2003.-415 б.
- 15.Беркинов Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. -Т.: Фан, 2007.-280 б.
- 16.Гатаулин А.М. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш системасида математик усуллар.-Т.: «Мехнат»,2008.-292 б.
- 17.Жўраев Ф.Ж. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш.-Т.:«Истиқлол», 2004.-344 б.
- 18.Замков О. ва бошқалар. Математические методы в экономике. Москва, «Дело и сервис», 2009.-368 б.
- 19.Зокиров О. ва бошқалар. Агроиқтисодиёт. –Андижон.: 1996.-310 б.
20. Исмаилов А.Қ., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. -Т.: Шарқ. 2005.-436 б.
21. Исмоилов А.А., Рихсимбоев О.Қ. Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ва башоратлаш. –Т.: ТДИУ, 2007. -335 б.
22. Каюмов Н. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жарвёнларини эконометрик тадқиқоти. Монография , -Т.: Фан,2010.-330 б.

23. Кравченко Р.Т. Математическое моделирование экономических процессов в сельском хозяйстве. –М.: Дело и сервис,2007.-592 б.
24. Муртазаев О. Пахтачилик агросаноат мажмуаси самарадорлигини ошириш муаммолари. Монография.-Тошкент.:Фан, 2005.-350 б.
25. Мўминов Ш.Р Иқтисодий математик моделлар ва усуллар.-Т.:Иқтисод-Молия,2007.-384 б.
26. Олимжонов О. ва бошқалар. Фермерлик фаолиятини ҳукукий ва молиявий асослари. –Тошкент.: «Университет», 2005.-212 б.
27. Орипов Р.О. , Халилов Н.Х. Ўсимликшунослик . Дарслик. -Самарқанд 2009.-340 б.
28. Остонакулов Т.Э. ва бошқалар.Сабзавотчилик. – Т.: 2009. – 460 бет
29. Урдушев Х., Усмонов Р. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий математик усуллар ва моделлар. –Самарқанд.: 2006.-152 б.
30. Урдушев Х. Усмонов Р. Қишлоқ хўжалигида ИМУ ва моделлар, -Самарқанд.: 2006.-248 б.
31. Қудратов Т. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг таҳлили. –Самарқанд: 2008.-251 б.
32. Қудратов Т.Қ, Деҳқонов С. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. -Тошкент.: Иқтисод-молия, 2008.-280 б.
33. Қудратов Т.Қ. Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий таҳлили. -Самарқанд.: 2009.-180 б.
34. Қудратов Ғ. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон ғаллачилигидаги иқтисодий муносабатлар.Монография,-Т.:Фан,2010.-375 б.
35. Қўчқоров А., Мизрапов Ў. Қишлоқ хўжалигини режалаштиришда математик методлар. –Тошкент.: Ўқитувчи, 2008.-210 б.
36. Федосеев В. Экономико-математические методы и прикладные модели.-Москва.: ЮНИТИ, 2009.-392 б.
37. Цеддис Ю и др. Экономика сельскохозяйственных предприятий. –Москва.: Издательство МСХА,2008-400 б..

38. Шодмонова Г. Иқтисодий математик усуллар ва моделлар.-Т.: Мусиқа,2007.-184 б.
39. Шодмонова Г. Ер тузишда иқтисодий математик усуллар ва моделлар.-Т.:Мусиқа,2007.-190 б.
40. Экономика предприятия. Под редакцией проф. О.И.Волкова. -М.: Инфра-М, 2008.-520 б.

IV. Журналлардаги мақолалар

- 41.Алиқулов А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулот таннархини пасайтириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2009. №11. 31-32 б.
- 42.Алиқулов А. Пахта таннархи. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2009. №12. 25 б.
- 43.Аралов Х. Дехқон хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2010. №2. 27-28 б.
44. Дехқонов М. Фермер хўжаликларида таннархни пасайтириш омиллари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2010. №5. 30 б.
45. Эргашев А. Фермер хўжаликларида ресурслардан самарали фойдаланиш.//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2009. №7. 26 б.
46. Мирзажонов Қ., Ражабов Т. Тупроқ шўрининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2011. №4. 31 б.
47. Муртазаев О. ва бошқалар. Рентабелликни ошириш мумкинми?// Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги журнали. 2008. № 5.34 б.
48. Муртазаев О., Абдуҳакимова Р. Рентабеллик.// Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги журнали. 2007. № 6. 25-26 б.
49. Султанов Б., Саъдуллаев У. Ерлардан самарали фойдаланиш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2010. №8. 25 б.
50. Холмирзаев И. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2010. №2. 26 б.

51. Қосимов М. Қишлоқ хўжалиги юксалишда. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2010. №9. 16 б.

V. Интернет сайтлари

52. www.samqxi.uz
53. www.dehqon.uz
54. http://linux.manas.kg/books/how_intranets_work/ch32.htm
55. <http://www.rbk.ru>
56. <http://www.ziyonet.uz>
57. www.cottonontbook.com
58. www.edu.uz
59. www.Usda.gov
60. www.agrobusiness.ru
61. www.Fermerskoe_xozyastvo.ru
62. www.agro.ru
63. Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва Пайарик тумани «Эргаш ўғли Исмоил ММТП» ФХУнинг 2008-2009-2010 йиллар ҳисобот маълумотлари.

ИЛОВЛАР

Дехкончилик махсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда экин майдонларининг салмоғининг ўзгариши

Т/р	Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда экилган, га	Салмоғи, %	I-вариант		II-вариант		III-вариант	
				Экин майдони, га	Салмоғи, %	Экин майдони, га	Салмоғи, %	Экин майдони, га	Салмоғи, %
1	Бўғдой	476,3	28,7	477,5	28,7	479,4	28,8	480,3	28,9
2	Пахта	1040,2	62,6	1042,8	62,8	1045,1	62,9	1043,4	62,8
3	Сабзавот	24,1	1,5	23,5	1,4	24,5	1,5	24,7	1,5
4	Памидор	39	2,3	39,8	2,4	39,5	2,4	38	2,3
5	Полиз	3,5	0,2	3	0,2	3	0,2	3,8	0,2
6	Силос учун маккажўхори	20,5	1,2	19,8	1,2	20	1,2	18,7	1,1
7	Беда	38	2,3	38	2,3	33,8	2,0	34,1	2,1
8	Дон учун маккажўхори	20,1	1,2	17,3	1,0	16,4	1,0	18,7	1,1
Жами		1661,7	100	1661,7	100	1661,7	100	1661,7	100

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари

Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш вариантлари асосида ўзгариш ҳолати

Кўрсаткичлар	Хўжаликда экилган ва етиштирилган			I-вариант				II-вариант				III-вариант			
	Экин майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, ц	Экин майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, ц	Ҳақиқатдагига нисбатан ўзгариши(+;-)	Экин майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, ц	Ҳақиқатдагига нисбатан ўзгариши(+;-)	Экин майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, ц	Ҳақиқатдагига нисбатан ўзгариши(+;-)
Бугдой	476,3	43,1	20528,5	477,5	43,1	20580,3	51,72	479,4	43,1	20662,1	133,6	480,3	43,1	20700,9	172,4
Пахта	1040,2	24,6	25588,9	1042,8	24,6	25652,9	63,96	1045,1	24,6	25709,5	120,5	1043,4	24,6	25667,6	78,7
Сабзавот	24,1	292,9	7058,9	23,5	292,9	6883,2	-175,74	24,5	292,9	7176,1	117,2	24,7	292,9	7234,6	175,7
Памидор	39	230	8970	39,8	230	9154	184	39,5	230	9085	115	38	230	8740	-230

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари

Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишни вариантлар асосида қиймат ўзгариши

Кўрсаткичлар	Хўжаликда ҳақиқатда олинган фойда		I-вариант			II-вариант			III-вариант		
	1 ц. маҳсулотни сотишдан олинган фойда,сум	Ялпи фойда,м/с	1 ц. маҳсулотни сотишдан олинган фойда,сум	Ялпи фойда,м/с	Ҳақиқатдагига нисбатан ўзгариши (+;-)	1 ц. маҳсулотни сотишдан олинган фойда,сум	Ялпи фойда,м/с	Ҳақиқатдагига нисбатан ўзгариши (+;-)	1 ц. маҳсулотни сотишдан олинган фойда,сум	Ялпи фойда,м/с	Ҳақиқатдагига нисбатан ўзгариши (+;-)
Бўғдой	3670	75339,7	3670	75529,5	189,8	3670	75830,1	490,3	3670	75972,4	632,7
Пахта	11940	305531,7	11940	306295,4	763,7	11940	306971,0	1439,2	11940	306471,6	939,9
Сабзавот	3490	24635,5	3490	24022,2	-613,3	3490	25044,4	408,9	3490	25248,9	613,3
Памидор	1460	13096,2	1460	13364,8	268,6	1460	13264,1	167,9	1460	12760,4	-335,8
Жами		418603,1		419211,9	608,8		421109,5	2506,4		420453,3	1850,2

Манба: Эргаш ўғли Исмоил ММТП ФХУ нинг 2008-2010 йиллар маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб китоблари

